



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA 13 (119)-сон, 2006 йил 30 март www.21asr.com

4 Сараларнинг сараси «ТАШАББУС-2006» да

8 Қасамнинг юки ёхуд бир чимдим кулгу

9 Украинада парламент сайловлари: ғолиб ким?

Давлат ташрифи давом этмоқда



The Korea Times

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Корея Республикаси Президентининг «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг Президентлар Ислom Каримов ва Но Му Хённинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

СЕУЛ, 29 март (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Но Му Хён ушбу ташрифта Корея томони катта аҳамият беришини, зеро корейс халқи ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини, азалий дўстликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ислom Каримов Сеул мулоқотлари 2005 йил май ойида Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея музокараларининг мантӣий давомидан эканлигини, учрашувларнинг узвийлиги эса ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш иштиёқи икки томонда ҳам кучлигидан далolat беришини кайд этди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида Пре-

зидентлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг ишончли иқтисодий шерикларидан эканлиги, ўзаро савдо ҳажми кун сайн ошиб бораётгани кайд этилди.

Айни пайтда ҳали ҳамкорлик қўламини кенгайтиришнинг барча имкониятлари тўлиқ ишга солилмагани, масалан, мамлакатларимиз нефть-газ, тўқимачилик, оғир ва енгил санаот, электроника ва юқори технологиялар соҳасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Музокара давомида ижтимоий соҳадаги муносабатлар ҳам таҳлил қилинди. Фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни ривожлан-

Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг мазкур мамлакатга давлат ташрифини кенг ёритмоқдалар

Жумладан, «The Korea Herald» газетаси шу муносабат билан бир туркум мақолаларни чоп этди. Уларда юртимиз ҳақидаги статистик маълумотлар, турли соҳаларда эришилган ютуқлар, Ўзбекистондаги корейс диаспораси ҳаёти кенг ёритилган. Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги фақулода ва мухтор элчиси Виталий Феннинг чиқиши икки давлат ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Элчи жаноблари ўз мақолаида Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг ишончли ҳамкорига айланганлиги ҳақида ёзди. (Кореянинг ҳозирча Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми бир миллиард долларни, ўзаро товар алмашинуви эса 521,3 миллион долларни ташкил этади).

Газетадаги яна бир мақола Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасига (2005 йил 28 январь) бағишланган бўлиб, юртимизда ислохотлар жадал олиб борилаётгани, жумладан, 2005 йилдаги иқтисодий ўсиш 7,3 фоизни ташкил этгани таъкидланди. Бу эса, шубҳасиз, тўла маънодаги эътироф ифодасидир.

«The Korea Times» газетаси эса Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатларни юқори баҳолайди. Хусусан, икки давлат ўртасида имзоланган стратегик шериклик тўғрисидаги декларация Марказий Осиё минтақасида Кореянинг ишончли ҳамкори борлигидан далolatдир, деб ёзади газета.

тириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт жағфармаси томонидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикаси Меҳнат ва вазирлиги ўртасида Ўзбекистон фуқароларини эркин ишга ёллаш тизими асосида Корея Республикасида иш билан таъминлаш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

O'zLiDeP фракциясида

Кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Парламентда ёшлар манфаатлари» мавзуида давра суҳбатини ўтказди. Унда O'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда, «Ёш авлод» Кенгаши аъзолари иштирок этдилар.

«Парламентда ёшлар манфаатлари»

Ўз мухбиримиз

О'zLiDeP Дастурида ёшларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамятда муносиб ўрин топишларига қўмаклашиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ана шу дастурий вазифаларни амалга ошириш бора-бора даврнинг ютуқларга эришяпти. Жумладан, икки йилдирки, О'zLiDeP нинг «Ёшлар қаноти» гуруҳи, «Ёш авлод» кенгаши билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мазкур тадбирда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты А. Алимов, О'zLiDeP фракцияси раҳбари А.Шодмонов ва бошқа депутатлар сўзга чиқдилар. Улар ёшлар парламенти аъзоларига партия фракциясининг ўтган даврдаги ва бугунги фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан партия нуктаи-назари, хусусан, ёшларга доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот беришди. Шунингдек, ёшларнинг қонунчилик жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-сийёсий фаоллигини ошириш, парламентда ёшлар манфаатларини ифода этиш бора-бора партия фракцияси билан ҳамкорликни кучайтириш ҳақида фикр билдирилди.

«Давра суҳбати»да ёшлар фаоллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожабат этишиб, қонунчилик фаолияти юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Парламентда етакчи мавқега эга бўлган партия фракцияси билан ташкил этиладиган бу каби мулоқотлар ёшларга доир қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Тадбирдан сўнг республика вилоятларидан келган ёш фаоллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси маъмурий биноси ва пойтахтдаги бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирдилар.



Узоқ ва яқин хорижда

БМТ

Кофи Аннан — тинч йўл тарафдори



Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби Кофи Аннан Эроннинг ядро дастури аффида юзага келган танглик бундан уч йил аввалги Ироқ сценарийси бўйича ривожланмайди, дея умид билдирди.

«Ҳар икки томон музокаралар столи аффида яна ўтиришга тайёр эканликлари кишида некинлик уйғотмоқда», — деб таъкидлади Бош қотиб журналистлар билан суҳбат чоғида. Бунинг учун Эрон «ўзининг атом энергиясини ўзлаштириш соҳасидаги интилишлари мутлақо тинчлик максадалари кўзда тутиётганини халқаро ҳамжамиятга исботлаб бериши зарур», деб таъкидлади БМТ раҳбари.

Муаммо Эронга доир маълумотлар билан қайси ташкилот шугулланишга боғлиқ бўлиб турибди. Бу ишни атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) техник даражада бажарадими ёки Хавфсизлик Кенгаши ўз зиммасига оладими? Унинг фикрича, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Эроннинг ядро дастури ҳақида МАГАТЭнинг ижрочи директорлари Мухаммад Эл Барадейнинг ХКГА келиб тушган маърузасига нибатан мувофиқлаштирилган муносабатни ишлаб чиқиш учун «имкониятларни излаб топдилар».

Ироқ

Бағдодда наватбаддаги можаро



Ироқда маҳаллий маъмурлар ва АҚШ қўшинлари қўмондонлиги ўртасида келиб чиққан можаро тобора авж олмоқда. Бунга яқинлашган кун Бағдоддаги шиалар маънабати неча ўнлаб одамларнинг ҳалокати билан яқин топган жанжал сабаб бўлди. Ироқ расмийларининг сўзларига қараганда, америкалик харбийлар ҳеч бир гуноҳсиз одамларни отиб ташлашган. АҚШ қўмондонлиги эса ўз наватбадда террорчилар йўқ қилинганини айтиб, Бағдодга қарши айбловларни илгарти сурмоқда.

Ироқ маъмурларининг фикрига кўра, Америка харбийлари яқинлашган оқшомида шиалар тўпланадиган Мустафо мачитига тўсатдан бостириб кирганлар ҳамда намоз ўқишга ҳозирлик қўраётган тинч аҳолига қарата ўқ узганлар.

Президент Жалол Талабоний бу можаро нафақат текширилиши, балки уни шахсан ўз назоратида олишини таъкидлади. «Мана шу ҳужум ортида турганлар албатта, жавобгарликка тортиладилар ва жазоланадилар», — деди у қатъий қилиб.

Чорвачиликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қарор

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва молларни кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги мутахассислари, вазирликлар, идора ва муассасаларнинг матбуот хизмати раҳбарлари, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

мизнинг ушбу қарори мамлакатимизда чорвачиликни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жўраев аграр тармоқда ўтказилаётган ислохотлар моҳияти ва бу мавзунинг оммавий ахборот воситаларида ёритиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари қўлаб-саволларига жавоб қайтарилди.

Каҳрамон Қўлдошев

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган ислохотлар соҳанинг қатор йўналишларида янги имкониятларга йўл очмоқда. Жумладан, чорва молларининг кўпайиши икки истреъмол бозорини қўриқчилик махсулотлари билан тўлдиришга йўл очмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, Президентини-

чорва молларининг кўпайиши икки истреъмол бозорини қўриқчилик махсулотлари билан тўлдиришга йўл очмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, Президентини-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни қўриқиб, шунингдек, бошқа ва бошқа маъбурий туловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:	1 Австралия доллари 856,08	1 Миср фунти 211,08	1 Польша злотийси 374,83	10 Жанубий Корея вонини 12,38
	1 Англия фунт стерлингини 2112,66	1 Исландия кронаси 16,56	1 ОДР 1735,89	10 Япония иенасини 103,66
	1 Дания кронаси 195,39	1 Канада доллари 1035,78	1 Туркия лираси 904,88	1 Россия рубли 43,45
	1 БАА дирхамини 329,74	1 Хитой юани 150,85	1 Швейцария франки 924,86	1 Украина гривнасини 239,60
	1 АҚШ доллари 1210,00	1 Малайзия рингитини 327,78	1 ЕВРО 1457,57	

Давлат ташрифи давом этмоқда

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.
 “Лотте” меҳмонхонасида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмон шарафига Жанубий Кореянинг тўрт асосий иқтисодий ташкилоти – Саноатчилар Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес Федерацияси ва Халқаро савдо уюшмаси номидан қабул маросими уюштирилди. Аслида бу тадбирни Ўзбекистон раҳбарининг етакчи корейс ишбилармонлари билан учрашуви дейиш мумкин. У икки мамлакат ишбилармонларининг алоқаларини янада фаоллаштириш масалаларининг муҳокамасига бағишланди. Ушбу учрашув яқунлари бўйича ҳам қатор икки томонлама ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Корея Республикаси Молия ва иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Республикаси Тижорат, саноат ва энер-

гетика вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Корея Республикаси Ахборот ва алоқа вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан Корея Республикаси Телерадиозинтириш тизими (KBS) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Корея Республикаси Халқаро савдо уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, “Ўзбекингилсаноат” ДАК билан Корея Саноат технологиялари институти ўртасида мутахассисларни ўқитиш ва ахборот алмашиш борасида идораларо ҳамкорлики йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети билан Жанубий Корея Халқаро тараққиёт агентлиги ўртасида 850 миң АҚШ доллари ҳажмида техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ахдлашув, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан Корея Республикаси Молия институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, Хоразм Маъмун академияси билан Кёнги университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси билан Жанубий Кореянинг “Саломатлик ва тараққиёт учун” халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат авиация институти билан Хансо университети ўртасида



ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат кимё-технологиялар институти билан Хансо университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Президент Ислон Каримов “Хундай Моторс” компанияси раиси Чонг Монг Гуни қабул қилди. Мулоқот чоғида ушбу компания билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари юзасидан фикр

алмашилди. Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Вон Ки билан учрашди. Сўзбат чоғида парламентарларо алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Президент Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.



Тошкент шаҳри. О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда гуруҳнинг 2006 йил давомида амалга оширадиган ишлари, “Ишбилармон ёшлар” сиёсий клуби фаолиятини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар партиянинг жамиятдаги мавқеини оширишда “Ёшлар қаноти” гуруҳининг ўрни, сиёсий фаол, қобилиятли ёшлар ҳисобига партия сафларини кенгайтириш ҳақида фикр юритдилар.

25 март куни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Болалар жамғармаси ҳамкорлигида Абдулла Авлоний номидаги Республика педагог ходимларининг малакасини ошириш институтида “Ўзбекистон — ягона Ватаним” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, тадбиркорлар, “Ёшлар қаноти” гуруҳи, “Ёш авлод” кенгаши фаоллари иштирок этган ушбу тадбирда ёшларни Ватанга садоқат, бурчга масъулият руҳида тарбиялашда, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш лозимлиги таъкидланди. Фестивалнинг бадий қисмида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш хонандалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Сирдарё. Вилоят “Маънавият ва маърифат” марказида О'зЛиДеР вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлимининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Анжумани О'зЛиДеР вилоят кенгаши раиси А. Урмонов бошқарди. Унда кенгашнинг бўлим томонидан олиб борилган ишлар, унинг ташкилий тўзилмаси, “Ёшлар қаноти” гуруҳи таркиби ва жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий тамойиллари ва вазифалари атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фуркат Ҳотамов, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими масъул ходими М. Ҳамидов, “Ишбилармон ўқувчи-2004” республика кўрик-танлови ғолиби Д. Иргашева сўзга чиқиб, “Ёшлар қаноти” гуруҳининг янги таркиби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнгида партия вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” гуруҳининг 2006 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Навоий. Янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка барҳам бериш, ёшларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш каби масалаларга О'зЛиДеР Дастурда алоҳида ўрин ажратилган. Шунинг учун ҳам партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Нурота туманида “Инсон ҳуқуқлари — олий кадрият” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Нурота туман ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, меҳнатдан иқтисодий манфаатдорликни ошириш ва йиғит-қизларга касб ўргатиш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, аниқ чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Худди шундай тадбир партиянинг Хатирчи туман кенгаши томонидан ҳам ўтказилди.

Наманган. Партиянинг вилоят кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази қошида ташкил этилаётган “Ёш сиёсатчилар клуби”нинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. О'зЛиДеРнинг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш, йиғит-қизларни сиёсий ҳуқуқий ва маданий-маърифий билимлар билан қуроллантириш вазифасини ўз олдига қўйган ушбу клуб жамоат ташкилоти сифатида иш олиб боради ҳамда сиёсий маданиятни юксалтириш, ёшларни демократик тамойиллар асосида тарбиялаш, уларда ижтимоий-сиёсий фаолликни янада кучайтириш, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустакил муносабат билдириш кўникмасини ҳосил қилиш билан шуғулланади.

Клубда “Сиёсий масалалар”, “Ҳуқуқий масалалар”, “Иқтисодий масалалар”, “Ижтимоий масалалар”, “Нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари” гуруҳлари, матбуот маркази ва котибият фаолият юритилади. Йиғилишда “Ёш сиёсатчилар клуби”нинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари тасдиқланди ҳамда бошқарув ва ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари сайланди.

Хоразм. Партиянинг вилоят ва Урганч шаҳар кенгашлари, шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан васийлик ва ҳомийликка олинган етим болалар учун хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирга Урганч шаҳри бўйича васийлик ва ҳомийликка олинган 35 нафар етим бола тақдир этилди. Уларга байрам совғалари улашилди ва концерт дастури намойиш қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты К. Жумамуратова ушбу хайрия ишларига муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, болаларга шахсий совғаларини топширди.

Шахсий деҳқон ва фермер хўжаликлари: Тараққиёт йўлида янги кадам

Маълумки, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, истеъмом бозорига маҳсулот мўлкўллигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутди. Шу боисдан мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ соҳада тиб ислохотлар ўтказилиб, жойларда мулкдорлар сафини кенгайтириш, уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, гўшт ва сут маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган ҳаётий эҳтиёжлар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш учун қўшимча чоралар кўришни тақозо этапти.

Носир ТОШЕВ
 Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Зеро ўрта ободонлиги, тўқинчилиги қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик тараққиғи билан ҳамбарчас боғлиқдир. Янги давр қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, меҳнатдан ва ишлаб чиқаришдан манфаатдорликни ошириш учун кенг имкониятлар очмоқда. Қолаверса, тармоқда хусусий мулкчиликнинг мавқеи йил сайин охирига бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Узокқа бормайлик. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида 3,3 мингдан зиёд деҳқон хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, сутнинг 96,4, гўштнинг 94, тухумнинг 53,8, жуннинг 77,3 фоизи шахсий сектор ҳиссасига тўғри келади. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятини янада кенгайтириш, ижтимоий ҳаётдаги мавқеини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун пухта ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро мазкур ҳужжат ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, қишлоқ ахлининг эртанги ҳаёти ҳақидаги юксак ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Очиғини айтиш керак: гарчанд бугунги кунда шахсий деҳқон ва фермер хўжалиқларини тараққиёт этириш учун зарур

яқин келажақда минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорамол боқишни рағбатлантириш, зооветеринария ва чорва молларини сунъий урчиштириш шохобчаларини кенгайтириш, зотли молларни шахсий хўжалиқларга аукционлар орқали сотишни йўлга қўйиш кўзда тутилаётди.

Албатта, ҳозирги кунда чорвачилик билан шуғулланишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун биринчи навбатда молиявий шарт-шароит лозим. Эндилқда қишлоқ ахлининг ана шу соҳадаги муаммолари ўз ечимини топадиган бўлди. Яъни шахсий ёрдамчи хўжалиқларни жадал ривожлантириш учун кўп болали эҳтиёжманд оилаларга чорва молларини бепул бериш, уларни ўз вақтида омухта ем ва ширални озуқа билан таъминлаш, туман марказлари ҳамда йирик аҳоли пунктларида бундай маҳсулотлар билан савдо қиладиган шохобчалар тармоғини кенгайтириш, ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла кўмиталарининг қабилиғли остида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати. 2010 йилгача бўлган даврда наслчиликка ихтисослаштирилган чорвачилик хўжалиқлари республикага четдан олиб келинадиган наслчилик аҳолиси, технология ва бошқа ёрдамчи усқуналар учун ундриладиган бож тўловларидан озод қилинадиган бўлди (божхона расмий йиғинлари бундан мустасно).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқлари тармоғини кенгайтиришга ҳуқуқат даражасида эътибор қаратилганлиги таҳсинга лойиқдир. Юқорида тилга олинган қарор, шубҳасиз, ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият қўлайди. Эндиги асосий масала жойларда қарорнинг ижросини таъминлаш, унда ўртага қўйилган вазифаларни изчиллик билан рўёбга чиқаришга қаратилиши лозим. Зеро иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қўшимча имкониятларни юзага чиқариш, шу тариқа истеъмом бозорини янада барқарорлаштиришдан иборатдир.

Олий Мажлис Сенатида
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳамкорлигида “Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш—қишлоқ хўжалигини тараққиёт этириш гарови: муаммо ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзусида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис ҳар икки палатасининг аъзолари, мугасадди вазирлик, идора, муассасалар ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Муаммолар ечими изланди

Ўз муҳбиримиз
 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ва “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиқлари) тўғрисида”ги қонунлари қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермер хўжалиқлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, республикада 1992 йилда 5942 та фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, эндиликда улар сони 126 мингга етди. Ижарага берилган ер майдонлари мутаносиб равишда 45 миң гектардан 3 миллион 800 миң гектарга етказилди. Айни пайтда фермер хўжалиқларининг 83 фоизи пахта ва галла, 10 фоизи мева ва सबзавот ишлаб чиқаришга, 7 фоизи чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, 2005 йилда улар томонидан етиштирилган маҳсулот тармок қилиб маҳсулотининг 38 фоизини ташкил этмоқда.

Жорий йил аввалида Президент фармони ва қарори асосида жойларда яна кўплаб фермер хўжалиқлари тузилди. Шу боис 2002-2005 йиллар давомида ташкил этилган 702 та мини-банк, 989 та муқобил МТП, 647 та минерал ўғит, 836 та ёниғили-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчалари, 882 та сувдан фойдаланувчи уюшмалари ва бошқа бир қатор хизмат кўрсатиш тармоклари сонини янада кўпайтириш зарурати юзага келди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш, меҳнат самарадорлигини оширишга ҳадақат бераётган камчиликлар, ечимини кутаётган бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, фермерлар мавжуд ёниғили сотиш шохобчаларидан маҳсулот олиш учун шартнома тузиш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун туман ва вилоят марказларида жойлашган нефть маҳсулотлари унитар корхоналарига қатнашга мажбур бўлишмоқда. Яна бир муаммо: туғатилаётган ширкат хўжалиқларининг қарзлари фермер хўжалиқларига тақсимланиб, уларни шу йилнинг ўзида узиш шартли қўйилган. Бу, ўз-ўзидан энди фаолият бошлаётган фермерларга оғирлик қилады. Семинарда фермерлар қарз мuddати камиди беш йилга кечиктириш тақлифини ўртага ташладилар.

Семинар иштирокчилари тадбир давомида фермер хўжалиқларининг янада юқори иқтисодий натижаларга эришишлари, аҳолининг сифатли, мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш баробарида саноат корхоналарини етарли хом ашё билан таъминлаш борасидаги энг зарур масалалар хусусида фикр алмашилди.

Ишчанлик ва ҳамжихатлик руҳида ўғит ўзаро мулоқот якунида билдирилган тақлифлар, мулоҳазалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга тақдим этиш хусусида келишиб олинди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ф. Алиев, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси С. Қобилиев иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

ТАШРИФ

МУНОСАБАТ

xxl_ASH@yahoo.com

Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли бор

ёки Макиавелли ғояларининг бугунги тарафдорлари хусусида

Бугунги замонавий дунёда айрим сиёсий кучлар бирон-бир мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўини тўкиши, уни ёлғизлатиб қўйиш, ички вазиятни бекарорлаштириш, фуқаролар орасига нифоқ солиш, қўшнилари билан муносабатларни кескинлаштириш мақсадида турли воситалардан унумли фойдаланаётгани бежиз эмас. XVII аср француз мутафаккири Жан Жак Руссо бундан тўрт аср муқаддам ўзининг "Тенгсизликнинг келиб чиқиши ва сабаблари ҳақида мулоҳазалар" асарида инсон қайтадан эркинликка эришиши учун нима қилмоғи керак, деган саволга ўқувчи эътиборини қаратади.

■ **Одил РАҲМОН**

Бугун ҳеч бир иккиликнинг ларсиз айтиш мумкинми, дунёдаги ҳар қандай давлат ўз мустақиллиги учун, ана шу мустақиллик дея аталувчи олий неъматни асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш учун тинимсиз кураш олиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Гарчи мустақиллиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган бўлсада, бу кураш тинимсиз давом этаётганини она-еримизнинг турли нуқталарида юз бераётган воқеа-ҳодисалар яққол кўрсатиб турибди.

Гарбда сиёсий реализм таянчлиги билан намоён бўлган дунёда тилга олинаётган Макиавеллининг "Мақсад ҳар қандай воситани оқлайди" деган қоида-сига амал қилаётган айрим сиёсатчиларнинг хатти-ҳаракати, ўз мамлакатни мағнаватини бошқаларникидан дунё кўзётигани учун ҳам унинг халқларининг ҳаловати ўғирланмоқда. Бунинг сабаби эса ана шундай мағнаватпарастларнинг Макиавелли тили билан айтганда: "Яхши ҳислатлар эгаси бўлиш ва ҳаммаша уларга эътиқод қилиш зарарли, лекин яхши ҳислатларга эгадек ном чиқариш ва унга амал қилмаслик кони фойда. Бошқача айтганда, киши кўзига дардқаш, сўзига турадиган, меҳрибон, ҳалоли, яхшилик қиладиган бўлиб қўриниш керак, ҳақиқатан ҳам шундай яшаш керак, лекин ичинда, лозим бўлиб қолган пайтда, шартта теъкарисини қилишга доимо шай туриш лозим" деган ақидига амал қилаётганликлариди.

Бугун дунёда деган улкан саҳнада чироили роллар ижро этаётган Гарбдаги айрим сиёсатчиларнинг хатти-ҳаракатлари ана шундай ахлоқсизлик денгизи сувида чанқоғини қондираётгандек туюлади. Ҳар бир сиёсий қўлдор асри деярли сиёсий ақидани асримизда бундай ҳаракатлар, бундай усуллар кўпроқ дунёнинг етакчи мамлакатлари мағнаватлари бўлган минтакаларда янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Информацион хуружлар бир мамлакатнинг ички ишларига арашилаётганда, уларни демократик тамойилларга амал қилмаслик ва инсон ҳуқуқларини бузишда айбонлашда, эришган утуқларини камситишда намойиш бўлаётганлиги, бу ўз-ўзидан нишонга айланган мамлакатлар халқларининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Масалан, дунёда ўз сўзини ўтказишга уринаётган АКШ демократияни тарқатиш зарурлиги тўғрисида ҳар қанча айбоҳанос солимасин, бундай жазавалар замирида яшириниб турган мағнаватпарастлик ўзини кўрсатиб қўймоқда. Айтайлик: бирон-бир мамлакатдаги сайлов Вашингтон куттан натижани бермади. Қарор қатъий: ўша давлат танқид ёмиғири остида қолиши керак! Халқ — сайловчилар хоҳиши-иродаси улар назарида бир чакча ҳам арзимаيدди. Хўш, ана шундай хатти-ҳаракатни демократия номи билан турли пардаларга ўраш мумкинми?

Бугун XXI аср иқтисодий қиёфасини белгилаб бераётган энергия захиралари асосан Марказий Осиё, Кавказ ва Яқин Шарқда жойлашганлиги сабабли дунёнинг энг етакчи мам-

лакатлари нигоҳи ана шу минтакаларга қаратилган. Бу — бежиз эмас, албатта. Шу сабабли океанотроп мамлакатлари ҳам кўпроқ ана шу ҳудудда жойлашган, лекин унга бўйсунмишни истамаган, мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлатларга қарши турли усуллардан фойдаланаётган. Агар бу борада ахборот хуружлари бирлашган эътибор қаратилган бўлса, бу ҳам етмаганидек, кўпроқ халқаро молия ташкилотлари орқали "номақбул" мамлакат иқтисодиётини издан чиқаришга зўр берилмоқда. Ана энди бир мулоҳаза қилиб қўрайлик: у ёки бу мамлакатни ёлғизлатиб қўйишнинг расмий чоралари топилмас, қандай йўл тутган маъқул? Бу биз ўйлаганчалик мураккаб иш эмас экан. Яъни хорижий сармоядорларда ана шу мамлакатни инвестициялаш хоҳиши чиппака чиқарилса, олам гулистон. Албатта, дунёнинг молиявий ва иқтисодий жилловини кўлда тутиб туришга уринаётган Гарб учун бундай усуллар янгилик эмас. Тажрибадан маълумки, тadbиркор ва ишбилармонлар у ёки бу мамлакатга сармоя киритиш жараёнида таваккал қиладилар. Дунёнинг энг йирик ва обрўли молиявий ташкилотлари, хусусан, Жаҳон банки ёки дунё мамлакатларида коррупцияга оид вазиятни баҳоловчи халқаро "Transparency International" сингари ташкилотларнинг дунё мамлакатлари иқтисодий тараққиётига оид хулосаларига таянилади. Ана шундай бир шароитда Гарбдаги айрим сиёсий кучлар бевосита ўзларига қарашли бўлган ОАВ орқали "кулоқ"сиз давлатлар, улардаги ижтимоий-иқтисодий муҳит, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ёки унга амал қилиш даражаси, ишсизлик муаммолари хусусида ижтимоий фикрни шакллантирадилар. Қарабсизки, санокли кунлар ичида туппа-тузук мамлакат қолоқ давлатга, демократик қадриятларга амал қилинмаётган, қонунлар оёқсиз бўлаётган ҳудудга айланади-қолади. Қўлида миллион-миллион долларлик шартномалари бўлган сармоядорнинг эса тарвузи қўлигидан тушади-ю фикри, белгилаган режалари бутунлай ўзгаради. Минг шукрки, бундай ахлоқсизлик устига қурилган ўйинлар сири олий ҳакам аталмиш вақт ўлчовларига ҳар доим ҳам дош беролмаяпти. Биз бу гапларни бежиз тилга олмаяпти. Дунёнинг кўп давлатлари қатори Ўзбекистонга нисбатан ҳам ана шундай усуллар қўлланаётганидан ажабланмаслик лозим. Фақатгина Гарбнинг айрим сиёсатчилари ва АКШ ноғорасига ўйнамаган Ўзбекистонга нисбатан ҳам ахборот хуружлари билан бирга бошқа нафранглар ишлаётганлар мудоасининг энг нозик жиҳатларини англаб олиш муҳимдир.

Ўзингизда бўлса, бундан 2-3 йил илгари Гарб давлатлари ва молиявий ташкилотлар Ўзбекистон эришган утуқлар ва у олиб бораётган ташқи сиёсатни маъқуллаб, ўз экспертиларининг хулосаларини эълон қилган эди. Бироқ Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат миллий мағнаватларини ҳар нарсадан устун қўйиши уларга маъқул келмагани тўғрисида

“БИЗ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ МАҚСАДИ САРИ ҚАДАМЛАРИМИЗНИ КИМГАДИР ЯХШИ КЎРИНИШ, КИМГАДИР ҲИСОБОТ БЕРИШ ВА СОХТА ОБРЎ ТОПИШ УЧУН ЭМАС, АВВАЛО, ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ БИЛАН ТАНЛАБ ОЛГАН, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН МАНЗИЛГА БОСКИЧМА-БОСКИЧ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЕТИБ БОРИШ УЧУН ҚЎЙМОҚДАМИЗ. ВА АНА ШУ ЙЎЛИМИЗДАН АСЛО ҚАЙТМАЙМИЗ”.

Ислом КАРИМОВ.

ҳам мамлакатимизни қора бўёқлар билан тасвирлашга қаратилган кампаниялари яна жонлана бошлади. Қароргоҳи Вашингтонда жойлашган Жаҳон банки бундан уч йил илгари Ўзбекистондаги ишсизлар сони аҳолининг 6 фоизидан иборат экани, яъни ички маҳсулот ўсиши йилига 6-7 фоизни ташкил этаётгани, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида олдинги сафда бораётганини мамнуният билан таъкидлаганини бир эсга олайлик. Бироқ яқинда ушбу нуфузли молиявий муассаса Ўзбекистонда инфляция даражаси, ишсизлик хусусида бутунлай бошқача маълумотларни тарқата бошлади. Утган қисқа давр ичида шундай бир нуфузли ташкилотнинг расмий хулосаси нега бунчалар тез ўзгариб қолди, деган ҳақли савол тўғрисида, албатта. Масаланинг моҳиятига чуқурроқ назар ташланса, сиёсий буюрт-масасида шундай йўл тутти-лаётгани амин бўлиш мумкин. Хўш, банк ўзига тегишли тадқиқотлардаги рақамлар 3 йил ичида тубдан ўзгариб қолганини миқдорларига қандай тушунириб бераркин? Ахир, Халқаро валюта жамғармаси комиссияси 2005 йил декабрида мамлакатимизнинг иқтисодий соҳада эришган утуқларини мамнуният билан тилга олганди-ку! Жамғарманинг 2005 йил маълумотларига қараганда, Ўзбекистон 7 фоиз иқтисодий ўсишга эришган, аҳоли даромадлари 20 фоиз кўпайган, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этганди. Қолаверса, жамғарма хулосалари Юртбошимизнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тилга олинган маълумотларга жуда яқин. Ушбу маълумотлар бир неча халқаро молиявий ташкилотлар ва тадқиқот марказлари томонидан ҳам тасдиқланган. Хусусан, жаҳондаги иқтисодий жараёнлар таҳлилига ихтисослашган "Global Insight" тадқиқот маркази (Лондон) мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ рақамлар ҳақиқатга мослигини тан олади. Сал илгарироқ эса Германиянинг "Доиче пресс агентур" (ДПА) агентлиги Ўзбекистон Президентининг маърузасига тўхталиб, "Ўзбекистон иқтисодиётининг жадаллашган тарзда ўсиши" сарлавҳали ахборотини эълон қилди. "Доу Джонс" агентлиги эса "Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари давом эттирмоқда" номи хабарини тарқатди.

Бугун мамлакатимиздаги ўзгаришлардан оз бўлса-да бохабар киши ҳам Ўзбекистонда иқтисодий тизимли ва таркибий жиҳатдан янгилаш жадал сурьатларда олиб борилаётганига гувоҳ бўлиб турибди. Энг асосийси эса, Ўзбекистон эришаётган барқарор тараққиётта дунёвий хом ашё ва товарлар, айниқса, нефть ва газ бозорларида мавжуд бўлган қўлай конъюнктура ёки қандайдир ташқи омиллар таъсир кўрсатаётгани йўқ. 2005 йилда маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоиз

ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим самараси, албатта. Айниқса, хусусий сектор фаолиятини янада кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тadbиркорликини қўллаб-қувватлаш орқали жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Утган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари 31,5 мингтага кўпайгани ва улар сони 310 мингтадан ошганини инкор этиш мумкинми? Давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартириш, тadbиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини янада таъкидлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада Президент Фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Натижада мулк эгаларида эртанги кунга ишонч янада ортди. Жаҳондаги ҳолис таҳлилчи ва экспертлар Ўзбекистон тadbиркорларга замонавий имкониятлар очиб беришда бошқалардан анча ўзиб кетганлигини алоҳида эътироф этаётган бир пайтда бундай "уйин"лардан ким мағнаватдор, деган ҳақли савол туғилади.

Буллар шунчаки жўн саволлар эмас, албатта. Негадир Гарбдаги айрим сиёсатчиларнинг Ўзбекистонда тadbиркорлар, фермерлар, касаначилар учун яратилаётган шарт-шароит кизиқтирмапти. Чунки уларнинг мақсад ва мудоалари бошқача. Бундан ташқари биз улар кўрсатган йўлдан эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган, миллий мағнаватларимизга жавоб берадиган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан бораёпмиз. Мана масаланинг моҳияти шундай!

Тан олиб айтиш кераки, бундай хуружлар замирида минтақада жойлашган давлатлар орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончни йўқотиш мақсади ётгани ҳам унутмаслик лозим. Энг ёмони — турли экспертларнинг тадқиқоти ва айрим муассасаларнинг ҳисоботи тарзида эълон қилинган бундай бирёклама маълумотларни эълон қилишдан кўзда тутилган мақсад юртимиздаги асл ҳолатдан беҳабар кишиларда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида нотўғри фикр шакллантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимо-яшаш ниқоби остида мустақил давлатимизнинг ички ишларига аралашушга ишончдан бошқа нарсаси эмас.

Мамлакатимизга қарши "ахборот хуружи"ни уюштиришда Жаҳон банки яққа-ёлғиз ташкилот эмаслигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Европа Тиклиши ва тараққиёт Банкининг ҳам сиёсий сабабларга кўра турли жаза чораларини "ишга солиш" йўлидан бораётгани тазжубланарли ҳолатдир. Яъни ушбу ташкилотлар фаолияти молиявий муассаса доирасидан чиқиб, баъзи Гарб мамлакатларининг сиёсий мақсадларига хизмат қилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Демократия, аъзо мамлакатларининг иқтисодий тиклашга молиявий қўмак бўлгани шунинг асосий вазифаси бўлган мазкур ташкилотлар маблагини маълум сиёсий шартлар асосида тақдим этмоқдалар. Ҳар учун улар муассаса низоми жамғармаси-

нинг асосий улуши Вашингтонга тўғри келаётгани сабабли улар Америка "ноғора"сига ўйнашга мажбур бўлмоқдалар, дейишга тўлиқ асослар бор. Жаҳон банкининг президентлари доимо Америка вакили бўлишини инobatга олсак, вазият янада ойдинлашади. Яқинда АКШ мудофаа вазири ўринбосари жаноб Пол Вулфовицнинг банк президенти этиб тайинлагани банк фаолиятига сиёсий тус беришга ҳаракат қилинаётганидан далолатдир. Ўзбекистон демократияни экспорт қилишнинг гарбча йўлидан бормади, галамис кучларнинг ўзларига мақбул ҳуқуқматларни олиб келишга қаратилган ниятларини чиппака чиқарди. Ана шундай бир пайтда ганимларимиз Ўзбекистон сиёсий ўринбосари Н. Қосимов, Париж шаҳар Савдо-саноат палатаси директори жаноб Эдмонд Вивинд иштирок этди.

Тadbирда 580 та компания вакиллари ва Париж шаҳри ишбилармонлари ҳамда ижодий зиёлилар вакиллари қатнашдилар. Умуман олганда ярмаркани 15 мингдан зиёд парижлик томоша қилди. МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари орасида биринчи марта ўтказилган мазкур ярмаркага Париж шаҳри эри ва Савдо-саноат палатаси вакиллари юқори баҳо бердилар.

10 март куни бўлиб ўтган бизнес-форумда 180 нафар француз ва 35 нафар ўзбек ишбилармонлари қатнашди. Ҳамюртларимиз сафида қурилиш, мебель, автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, саноати, тиббиёт ва сайёҳлик соҳалари вакиллари ўз йўналишлари бўйича ҳамкасблари билан фикрлашдилар.

Ўзаро музокаралар чоғида World Chambers Federation, Association Avicenne France, Gaz de France каби машҳур француз компаниялари иштирок этиши ва ўзаро шартномалар тузиши. Тadbир якунида Тошкент шаҳрида француз технологиялари кўрғазмасини ўтказиш, шунингдек, Париж шаҳар Савдо-саноат палатаси ваколатхонасини очишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Фан" нашриёти бакалаврлар учун "Тарихий манбашунослик" ўқув қўлланмасини чоп этди. Юртимиз тарихидан ҳикоя қилувчи юнон, лотин, араб, форс ва ўзбек тилларидаги манбалар тўғрисида маълумотлар берилган ушбу қўлланма соҳанинг бўлажак мутахассислари учун яхши совға бўлди, дейиш мумкин.

27 март куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармасида 7-14 март кунлари Францияда ўтказилган ўзбек ярмаркаси ва бизнес-форум натижаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Парижда бизнес-форум

«Sen yolg`iz emassan fond» жамғармаси билан ҳамкорликда

■ **Шухрат РАҲИМОВ**

— «Sen yolg`iz emassan fond» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бизнес-форумда «Toshkent sug`urta» компанияси, «Виртекс-Агро» қўшма корхонаси, «AZN» МЧЖ, «Элтекс маркет» савдо уйи каби 20 дан ортиқ тadbиркорлик субъектлари вакиллари иштирок



ТАДБИР

этдилар, — деди ўз сўзида бошқарма бошлиғи С. Ҳақимов. — Ушбу тadbир давомида «Ўзбекистон хазинаси: саноат ва сайёҳлик» ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Равшан Алимов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Н. Қосимов, Париж шаҳар Савдо-саноат палатаси директори жаноб Эдмонд Вивинд иштирок этди.

Тadbирда 580 та компания вакиллари ва Париж шаҳри ишбилармонлари ҳамда ижодий зиёлилар вакиллари қатнашдилар.

Умуман олганда ярмаркани 15 мингдан зиёд парижлик томоша қилди. МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари орасида биринчи марта ўтказилган мазкур ярмаркага Париж шаҳри эри ва Савдо-саноат палатаси вакиллари юқори баҳо бердилар.

10 март куни бўлиб ўтган бизнес-форумда 180 нафар француз ва 35 нафар ўзбек ишбилармонлари қатнашди. Ҳамюртларимиз сафида қурилиш, мебель, автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, саноати, тиббиёт ва сайёҳлик соҳалари вакиллари ўз йўналишлари бўйича ҳамкасблари билан фикрлашдилар.

Ўзаро музокаралар чоғида World Chambers Federation, Association Avicenne France, Gaz de France каби машҳур француз компаниялари иштирок этиши ва ўзаро шартномалар тузиши. Тadbир якунида Тошкент шаҳрида француз технологиялари кўрғазмасини ўтказиш, шунингдек, Париж шаҳар Савдо-саноат палатаси ваколатхонасини очишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

"Фан" нашриёти бакалаврлар учун "Тарихий манбашунослик" ўқув қўлланмасини чоп этди.

Юртимиз тарихидан ҳикоя қилувчи юнон, лотин, араб, форс ва ўзбек тилларидаги манбалар тўғрисида маълумотлар берилган ушбу қўлланма соҳанинг бўлажак мутахассислари учун яхши совға бўлди, дейиш мумкин.

Муҳим қўлланма

■ **Дилфуза МУҲАМЕДОВА**

Чунки тарихимиз ёзма ёдгорликларга бой бўлишига қарамай, уларни тўлиқ намойиш этадиган мукамал манбашунослик қўлланмалари, илмий адабиётлар ҳамон етишмайди. Борлари ҳам жуда кам нусхада чоп этилган бўлиб, уларни топиш мушкул.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессори, тарих фанлари доктори А.А. Мадримовнинг сўзларига кўра, янги қўлланмада аввалги илмий адабиётларда учрамайдиган маълумотлар жамланган. Қолаверса араб, форс, ўзбек тилларидаги ёзма манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор берилгани унинг илмий жиҳатдан пухталигини кўрсатади. Китоб муқовасида унинг мазмунига мос суратлар тасвирланган.

ЯНГИ НАШР

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



ХАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТМАГАН ОДАМЛАР,
УНДАН БАХРАМАНД БЎЛИШГА ҲАМ ЛОЙИҚ ЭМАСЛАР

Оқ халатли најоткорлар

партиявий соҳада ҳам фаоллик кўрсатиб,
кўпчилик ҳурматини қозонишмоқда



Одатда бошланғич ташкилотлар ҳақида сўз кетгудек бўлса, кўз олдимизда улкан чинорнинг илдиэлари намоён бўлаверади. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро илдиэлар қанчалик бақувват, соғлом бўлса, дарахт ҳам шунчалик гуллаб яшнаверади. Таъбир жоиз бўлса, жойлардаги бошланғич ташкилотларни партиянинг бош бўғини, илдиэига қиёслаш мумкин.

Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ

Негаки, ҳар қандай сиёсий куч ўз гоё ва мақсадларини айнан ана шу ташкилотлар орқалигина оммага етказди, рўёбга чиқаради. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шу боисдан ўз фаолиятининг дастлабки давриданоқ асосий эътиборни бошланғич бўғин-

лар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва уни сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан тўлдиришга қаратмоқда. Айни кунга келиб, партиянинг жойлардаги кўйи бўғинлари оммага ўртасида катта обрў-эътибор қозонаётганлиги бежиз эмас. Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 3-поликлиникада фаолият кўрсатаётган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти ана шулардан бирidir.

— Тўғриси айтсам, поликлиникамида бошқа сиёсий партияларнинг ҳам тузилмалари фаолият кўрсатади, — дейди етакчи Мунира Тўрақулова. — Аммо жамоа орасида О'zLiDePнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан жойларда турли давра суҳбатлари, очик мулоқотлар ўтказиб туриш одатга айланган. Мана шу тадбирлар асосида фаолларимиз партиянинг жамият ҳаётидаги ўрни, мақсад ва вазифалари хусусида кенг тушунтириш беришга ҳам ҳаракат қилишди. Шунингдек, туман кенгаши билан ҳамкорликда бир неча бор қабул кунларини ташкил этдик. Унда одамларнинг орзу-интилишлари, уларни бугунги кунда кўпчиликни ўйлантириб турган муаммолар хусусида фикр юри-

тилни. Айрим масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга партия номидан мурожаат қилинди. Албатта, буларнинг барчаси изсиз кетмаётгани йўқ. Бошланғич партия ташкилотимиз нафақат жамоа орасида, балки «Кўйлик ота», Муқимий, Мирзаиброҳим ва «Бинокор» маҳаллаларида ҳам ўз ўрнига эга бўлди.

— «Элга кўшилсанг, эл бўласан», деганлари тўғри, — дея суҳбатимизга қўшиладиган мазкур поликлиника мудираси Мавлуда Муҳиддинова. — Партияга ишонч қўйдан бошланиши керак. Ана шундангина унинг умри узок, истиқболи порлоқ бўлади.

Жамоамизда О'zLiDeP аъзолари 22 нафарни ташкил этади. Уларнинг куч-ғайратини билан кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Поликленикамиз 7 та маҳаллага хизмат кўрсатади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан тегишли тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Ўтган йили оилавий поликлиникамиз УЗИ, кардиограмма ускуналари билан жиҳозланди, физиотерапия бўлими эса замонавий талабларга мослаштирилди. Партия хонаси зарур қўлланма ва адабиётлар билан таъминланган. Ҳар ҳафтада ўтказиладиган мажлисларда нафақат партия, балки поликлиника фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳам муҳокама қилинади, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга муносабат билдирилади. Гарчанд ўзим партия аъзоси бўлмасам-да, азбаройи қизиққанимдан баҳс-мунозараларга қўшилиб кетганимни сезмай қоламан. Ҳаётимдан «Кани энди ҳаммаиз ҳам шундай фидойи, қизиқувчан ва интилувчан бўлсак», деган фикр кечади.

Албатта, бошланғич партия ташкилоти томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар жамоа аъзоларининг сиёсий маданиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатапти. Яқинда партия аъзоларига қабул қилишни сўраб, яна уч киши ариза билан мурожаат қилганлиги фикримиз далилдир. Кўринадиким, қаерда ташкилотчилик яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда одамларнинг ўз партиясига ишончи ва эътиқоди мустаҳкамлини шубҳасиз. Бу эса О'zLiDePнинг энг асосий мақсадларидан бирidir.



Мунира
ТўРАҚУЛОВА,
1966 йили Қарши
шаҳрида туғилган.
Маълумоти —
олий. Айни пайтда
Тошкент шаҳар,
Ҳамза туманида
жойлашган 3-
поликлиника
акушер-
гинекологи,
О'zLiDeP
бошланғич
ташкilotи раиси.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимиз сиёсий саҳнасига ўзининг ҳаётбахш гоёлари, амалий ишлари билан кириб борди, десак хато қилмаймиз.

Таянч нуқтаси

Бошланғич партия ташкилотлари
фаолиятига бағишланган
«Орзулар рўёби» номли янги нашр
босмадан чиқди

Темур АБДУРАҲМОҶОНОВ

Айни пайтда икки палатали парламентда партиянинг ўз вакиллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп овозга эга бўлган фракцияси фаолият юритмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги туман ва шаҳар кенгашлари О'zLiDeP Дастури, гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, жойларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу борада, хусусан, партиянинг турли ташкилот ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллалар, кичик бизнес субъектлари қошида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Маълумки, ҳар қандай сиёсий куч, энг аввало, ўзининг бошланғич бўғинларига таянади. Уларнинг фаол иштирокисиз оммага орасига чуқурроқ кириб бориш, аҳоли кенг қатламлари ишончини қозониш мушкул. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббускор гуруҳи аъзолари билан бўлган учрашувда давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек: «... Ўзини сиёсий ва ижтимоий куч деб эълон қилган ҳар қандай партия фаолиятида пайдо бўладиган энг катта муаммо — шу партиянинг ўз олдига қўйган, унинг сафларини бирлаштирувчи гоёни кенг оммага етказиш ва амалда исботлаб бериш, аввало, шу гоё ва дастурини барча аъзолари онги ва тафаккурига сингдиришдан иборат». Дарҳақиқат, партияимиз ўз олдига энг муҳим стратегик мақсадларни қўйган. Бошланғич партия ташкилотлари уларни амалга ошириш йўлида асосий таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда. Сирдарё вилояти, Бобўт туманидаги «Нодир» хусусий корхонаси қошида фаолият юритаётган бошланғич ташкилот ана шулардан бирidir. Унга корхона раҳбари, «Шухрат» медали соҳибни Гофиржон Олимжанов етакчилик қилмоқда.

Яқинда сирдарёлик журналист Примкул Дўстаматовнинг ана шу бошланғич ташкилот фаолиятига оид «Орзулар рўёби» деб номланган китобчаси ўқувчилар қўлига етиб борди. О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудирси Дилбар Шерматова янги нашр ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ҳозирги вақтда вилоят бўйича 250 та бошланғич партия ташкилоти самарали фаолият кўрсатапти. Уларнинг ақсарияти ўзига хос таърибага эга. «Нодир» хусусий корхонаси қошидаги бошланғич ташкилот эса ибратли ишлари билан намуна бўлаётган таянч нуқталаримиздан бирidir». Рисолада бошланғич ташкилот фаолиятининг ибратли қирралари ахрофида ёритилган. Уйлайманки, мазкур рисола партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш ва жонлантириш борасида муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

Зеро, муаллиф унда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига синчковлик билан ёндашди, ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатларини ҳаётий мисоллар орқали очиб беришга ҳаракат қилди.

Ташаббуснинг қаноти бор. Сирдарёлик ҳамкасбимиздан ўрнак олиб, вилоятлардаги бошқа қаламақлар ҳам О'zLiDePнинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолияти ва иш таърибаси, мавжуд муаммолар ҳамда улар ечимига бағишланган чиқишлари билан «XXI asr» газетаси саҳифаларида фаол қатнашадилар, тегишли мақола, лавҳа ва очеркларни мунтазам чоп қилиш, энг сараларини эса алоҳида китобча ҳолида нашр этиладилар деган умиддамиз.



— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Дониёр КАМОЛ

Энг асосийси, бу муҳим ишга давлат идораларидан ташқари, кўплаб фермер хўжаликлари ва кичик бизнес вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар, — дейди Рўзивой Жўраев. — Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг келажиги порлоқ бўлади.

Шахсан ўзим спортнинг энг оммавий тури — футболни жон-дилимдан севаман. Вақти келиб, қишлоғимиздан ҳам машҳур чарм түп усталари етишиб чиқишини орзу қиламан. Шу боис ҳар йили болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими, халқ таълими муас-

«Аҳилликда ҳикмат кўп»

— дейди Наманган туманидаги «Тolibжон» фермер хўжалиги
бошланғич партия ташкилоти раиси Рўзивой Жўраев

сасаларига имкон қадар кўмак беришга ҳаракат қилаёяман. Партия Наманган вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирси А.Тураевнинг ҳикоя қилишича, «Тolibжон» фермер хўжалигида асосан бир оила аъзолари меҳнат қилишади ва уларнинг ақсарияти О'zLiDeP аъзоларидир. Жамоада сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Зеро, бугунги ислохотлар жараёни шуни тақозо этмоқда.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан яқинда О'zLiDeP вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан мактабга чарбия муассасаларини моддий қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда тармоқ муассасаларидаги мавжуд аҳвол ахрофи-

лича муҳокама қилинди, турли мулоҳазалар ўртага ташланди. Тадбир сўнггида «Тolibжон» фермер хўжалиги томонидан 40 та болалар муассасасига бир миллион сўмликдан зиёд турли спорт анжомлари ва кийим-кечалар тухфа этилди.

Аслида Ортбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш мақсадида ўтказилган партия ййғилишида ана шундай қарорга келинган эди. Маърузада баён қилинган кўйидаги фикрлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ: «Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагига энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-

бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардида ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз».

Келажакимиз пойдевори бўлиши болақайларга кўмак бериш ана шундай савоб ишлардан бирidir. Юқорида «Тolibжон» фермер хўжалиги асосан оилавий жамоадан иборат бўлиб, уларнинг ақсарияти партия аъзолари эканлигини таъкидлаган эдик. Бу — бошланғич ташкилотда ҳамма бир хил фикрлайди, қарорлар жўнгина қабул қилинаверади, дегани эмас, албатта. Барча масалалар ахрофида муҳокама қилиниб, сўнгга тегишли хулосага кел-

линади.

— Айниқса, укам Раҳимберди, турмуш ўртоғим Мавлудадон билан тез-тез бахслашиб турамыз, — дейди Рўзивой. — Раҳбар сифатида жамоада ўз ўрнини бўлса-да, ҳар бир партия аъзосининг фикри алоҳида эътиборга олинади.

— Тўлиқ демократия демократияда-да? — Худди шундай. Ана шунақа гаплар. Хуллас, оилавий хўжалик — оилавий партия ташкилотига аҳиллик барчанинг ҳаваси келарди. Ҳар бир аъзо зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Унинг ижроси назорат қилиб борилади. Шу боис жамоа ўртасида сиёсий маданият даражаси ошиб, ишда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда.

Машаққатларда бордек ҳаловат

Ёки O`zLiDeP фаоли, «Дўстлик ордени» соҳиби
Бехбуд Жумаев фаолияти хусусида

Бехбуд Жумаев “Ари захрини чекмаган — болнинг қадрини на билсин”, мақолини кўп қўллайдиган инсонлардан. Шу асосда у турмуш иқир-чикирларига чуқур назар солади, ўзича хулосалар чиқаради. Демокчимизки, қаҳрамонимиз ўз фаолияти давомида ҳар қандай қийинчилик ва машаққатни енгиб ўтишга одатланган.

Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» муҳбири

O`zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Бухорода бўлиб ўтган кенгайтирилган сайёр мажлиси (2006 йил 18 февраль)да Б.Жумаев кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган, ибратли бир таклифни ўртага ташлаганди.

— Ўзбекистон дунё ҳам-жамияти кўз ўнгида кучли давлатдан — кучли жамият сари одимламоқда, — деди ўшанда “Маҳалла” хайрия



жамгармаси Бухоро вилоят бўлими раиси, халқ депутат-лари вилоят кенгаши депу-тати Бехбуд Жумаев. — Бу

жараёнда ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғин-лари ролини янада ошириш талаб этилади. Бинобарин, энг аввало, маҳаллаларда

O`zLiDeP ўзакларини шакллантириш керак. Тўғри, вилоятимиздаги 528 та ўзини ўзи бошқариш органидан 109 тасида ҳозир ана шундай

партиявий негиз мавжуд. Улар сафини янада кенгайтириш лозим. Токи партия-

мизнинг дастурий ғоя ва мақсадлари кенг оммага тезроқ етиб борсин, одам-ларнинг ҳаётини манфаатла-

ри йўлида хизмат қилсин! ... Бехбуд, 1944 йил 10 ян-

варда олис Қоракўл тумани-нинг Сайёт кишлоғида ту-тилган. Болалиги, ҳаёти

осон кечмади. Лекин ўша оч-юпунлик, етишмовчилик би-лан ўтган кунлар Бехбуднинг

иродасини тоблаганини ва янада мустақамлаганини шубҳасиз.

У мактабни аъло баҳолар билан таомлади. Олий ўқув

юртига кириш учун маълум иш стажига эга бўлиш мақ-садида 8-синфдан бошлаб

дарсадан бўш вақтларида дала ишларида фаол кат-нашди. Чунки, ушундаёқ му-рғак қалбини университет-

да ўқиш, ўқиганда ҳам ота-си — кишлоқ фаоли, жамоа хўжалиги партия ташкилотининг етакчиси, иқтидорли

қаламқаш Жуманазар Йўллик-евдеч журналист бўлиш иш-тиёқи эгаллаб олганди. Жу-маназар ота ўғлини катта

ҳаёт йўлига кузатаркан: — Кўриб турибсан, бо-лам, — дея уни бағрига бос-ди ва оталари панд-наси-ҳат қилди: — Замона ўзгара-япти. Мана, уруш оқибатла-ри тугаб, турмуш аста-секин

изига тушяпти. Энди сен ўқи! Ўқиганда ҳам пишқи-пук-та билим ол. Қайтиб келиб

қишлоқни обод, элли фаро-вон қилишга ўз хиссангни кўшсанг, сендан рози бўла-ман!

Ўшанда Бехбуд Жумаев қалбига қулоқ тутиб, Тош-кент давлат (ҳозирги мил-лий) университетининг жур-налистика бўлимига ҳужжат

топширди. Бироқ ўш жста иш етмаганлиги учун омади юришмади. “Энди нима қил-сам экан?” Отанинг хоҳиш-истаги нима бўлади? Узининг орзу-ҳавасларим-чи?!”

У бу саволлар унга тинчлик бермасди. Вақтнинг беҳуда ўтказмаслиги учун универси-тет яқинидаги қурилиш тех-никумига кириб ўқиди. Уч йил ўтгач, бири-бири, ўз мак-садида эришди — журнали-стика илмини эгаллай бош-лади. Ўқиш жараёнида ҳар-бий хизматни ҳам ўтаб қай-тди.

Университетни имтиёзли диплом билан тугатган мута-хассис вилоятдаги русий-

ришлар кўзга ташланмоқда. Шофиркон, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Олот, Ромитан ту-манларида етарли ҳаётини тажриба ва муомала мадания-тига эга бўлган кишилар раҳбарликка сайланди. Улар-нинг ҳам аксарияти O`zLiDeP аъзоларидир. Натижада ви-лоятдаги ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида ис-лохотлар чуқурлаша бошла-ди.

Фақат шугина эмас. Айни кунда кўплаб маҳаллаларда бошланғич партия ташкилот-лари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда Ғиждувон тумани-даги “Памуза” (раиси Зило-ла Амонова), “Ғавшун” (раи-си “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси Хумор Ҳамроева), Бухоро шаҳридаги “Дилқушо” (раиси Муҳайи Очилова), Жондордаги “Сепатта” (раи-си Исроҳон Назруллоев), Бухо-ро туманидаги “Работқал-моқ” (раиси Муиддин Соли-ев), Когондаги “Сийёпоён”



забон газета — “Советская Бухара”га ишга юборилди. Асли кишлоқдан чиққан, ўзбек тилида олий журнали-стика ихтисосини эгаллаган Бехбуд Жумаевга она тили-да фикрлаб, рус тилида

ижод қилиш осон кечмади. Икки йилдан сўнг ўзбекча-русча нашр — Когон туман га-зетасига муҳаррир этиб тай-инланди, ҳаётини тажриба ор-тирди, 1994 йилдан бошлаб

эса вилоят ҳокимлиги аппа-ратига халқ таълими, мада-ния, фан, соғлиқни сақлаш ва дин масалалари бўйича

мутахассислар гуруҳи раҳба-ри сингари қатор лавозим-ларда хизмат қилди.

Мана, олти йилдирки, у республика Оқоқоллар кен-гаши ва “Маҳалла” хайрия

жамгармаси вилоят бўлими раисидир.

Бехбуд Жумаев мустақил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида маҳалла алоҳида ўрин тутганини яхши била-

ди. Зеро, маҳалла — Ватан ичра ватандир. Президентимиз ташаббуси билан 1999 йил 14 апрелда миллий ва маънавий кадриятлар, халқ-она урф-одатлар ва анъана-лар ҳисобга олинган ҳолда

етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш, жойларда тадбиркорлик ва ишбилар-монликка кенг йўл очиш,

уларни молиявий қўллаб-қув-ватлаш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

— “Маҳалла” хайрия жам-гармаси билан O`zLiDeP Да-стурида белгиланган ғоя ва қаби саволлар унга тинчлик бермасди. Вақтнинг беҳуда ўтказмаслиги учун универси-тет яқинидаги қурилиш тех-никумига кириб ўқиди. Уч йил ўтгач, бири-бири, ўз мак-садида эришди — журнали-стика илмини эгаллай бош-лади. Ўқиш жараёнида ҳар-бий хизматни ҳам ўтаб қай-тди.

Университетни имтиёзли диплом билан тугатган мута-хассис вилоятдаги русий-

ришлар кўзга ташланмоқда. Шофиркон, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Олот, Ромитан ту-манларида етарли ҳаётини тажриба ва муомала мадания-тига эга бўлган кишилар раҳбарликка сайланди. Улар-нинг ҳам аксарияти O`zLiDeP аъзоларидир. Натижада ви-лоятдаги ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида ис-лохотлар чуқурлаша бошла-ди.

Фақат шугина эмас. Айни кунда кўплаб маҳаллаларда бошланғич партия ташкилот-лари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда Ғиждувон тумани-даги “Памуза” (раиси Зило-ла Амонова), “Ғавшун” (раи-си “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси Хумор Ҳамроева), Бухоро шаҳридаги “Дилқушо” (раиси Муҳайи Очилова), Жондордаги “Сепатта” (раи-си Исроҳон Назруллоев), Бухо-ро туманидаги “Работқал-моқ” (раиси Муиддин Соли-ев), Когондаги “Сийёпоён”

забон газета — “Советская Бухара”га ишга юборилди. Асли кишлоқдан чиққан, ўзбек тилида олий журнали-стика ихтисосини эгаллаган Бехбуд Жумаевга она тили-да фикрлаб, рус тилида

ижод қилиш осон кечмади. Икки йилдан сўнг ўзбекча-русча нашр — Когон туман га-зетасига муҳаррир этиб тай-инланди, ҳаётини тажриба ор-тирди, 1994 йилдан бошлаб

эса вилоят ҳокимлиги аппа-ратига халқ таълими, мада-ния, фан, соғлиқни сақлаш ва дин масалалари бўйича

мутахассислар гуруҳи раҳба-ри сингари қатор лавозим-ларда хизмат қилди.

Мана, олти йилдирки, у республика Оқоқоллар кен-гаши ва “Маҳалла” хайрия

жамгармаси вилоят бўлими раисидир.

Бехбуд Жумаев мустақил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида маҳалла алоҳида ўрин тутганини яхши била-

ди. Зеро, маҳалла — Ватан ичра ватандир. Президентимиз ташаббуси билан 1999 йил 14 апрелда миллий ва маънавий кадриятлар, халқ-она урф-одатлар ва анъана-лар ҳисобга олинган ҳолда

етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш, жойларда тадбиркорлик ва ишбилар-монликка кенг йўл очиш,

уларни молиявий қўллаб-қув-ватлаш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

— “Маҳалла” хайрия жам-гармаси билан O`zLiDeP Да-стурида белгиланган ғоя ва қаби саволлар унга тинчлик бермасди. Вақтнинг беҳуда ўтказмаслиги учун универси-тет яқинидаги қурилиш тех-никумига кириб ўқиди. Уч йил ўтгач, бири-бири, ўз мак-садида эришди — журнали-стика илмини эгаллай бош-лади. Ўқиш жараёнида ҳар-бий хизматни ҳам ўтаб қай-тди.

Университетни имтиёзли диплом билан тугатган мута-хассис вилоятдаги русий-

ришлар кўзга ташланмоқда. Шофиркон, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Олот, Ромитан ту-манларида етарли ҳаётини тажриба ва муомала мадания-тига эга бўлган кишилар раҳбарликка сайланди. Улар-нинг ҳам аксарияти O`zLiDeP аъзоларидир. Натижада ви-лоятдаги ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётида ис-лохотлар чуқурлаша бошла-ди.

Фақат шугина эмас. Айни кунда кўплаб маҳаллаларда бошланғич партия ташкилот-лари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўринда Ғиждувон тумани-даги “Памуза” (раиси Зило-ла Амонова), “Ғавшун” (раи-си “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси Хумор Ҳамроева), Бухоро шаҳридаги “Дилқушо” (раиси Муҳайи Очилова), Жондордаги “Сепатта” (раи-си Исроҳон Назруллоев), Бухо-ро туманидаги “Работқал-моқ” (раиси Муиддин Соли-ев), Когондаги “Сийёпоён”

забон газета — “Советская Бухара”га ишга юборилди. Асли кишлоқдан чиққан, ўзбек тилида олий журнали-стика ихтисосини эгаллаган Бехбуд Жумаевга она тили-да фикрлаб, рус тилида

ижод қилиш осон кечмади. Икки йилдан сўнг ўзбекча-русча нашр — Когон туман га-зетасига муҳаррир этиб тай-инланди, ҳаётини тажриба ор-тирди, 1994 йилдан бошлаб

эса вилоят ҳокимлиги аппа-ратига халқ таълими, мада-ния, фан, соғлиқни сақлаш ва дин масалалари бўйича

мутахассислар гуруҳи раҳба-ри сингари қатор лавозим-ларда хизмат қилди.



ка Президентининг 2005 йилги Фармонида асосан Б.Жумаев “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Бу унинг кўп йиллик меҳнатига берилган муносиб баҳо эди. Қаҳрамонимиз умр йўлдоши Нарзигул билан 5 нафар солиҳ фарзандни вояга етказишди. Айни кунда улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилишмоқ-

да. Доимий изланиш ва инти-лиш туфайли орзулар ижо-бат бўлаётди. Ҳозирги пай-тда жамгарманнинг вилоят бўлими қошида O`zLiDeP бошланғич ташкилотни тасу-илди. Б.Жумаев унинг раи-сидир.

Шу ўринда эътиборга мо-лик бир мисол. Когондаги Абдулла Набиев маҳалласи-да 2,5 минга яқин аҳоли, 650 та оила яшайди. Маҳалла ко-тибаси Майрам Курбонова, “Ешлар иходий уйи” услуб-шуноси Дилором Атоева, ўқитувчилардан Зилола Ато-ева, Муаззам Курбонова их-

тиёрий равишда O`zLiDeP са-йфида қиршиди. Маҳалла фу-қаролар йиғини раиси, бош-ланғич партия ташкилоти етакчиси Муҳаммад Шарипов улар ёрдамга таяниб, кўпги-на ибратли ишларни амал-га оширмоқда. Ҳозир ҳар бир оилада ўртача биттадан тад-биркор бор. Бундан ташқари, маҳаллада дурадгорлик, ган-чкорлик, қандолатпазлик, но-ввойлик цехлари очилган. Бунинг натижасида неча

ўнлаб одамлар доимий иш билан таъминланди. Иккин-чидан, моддий манфаатдор-лик ошди. Энг муҳими — аҳоли орасида аҳил-иноқлик кучайди, муҳтожларга хайр-саховат кўрсатиш анъанага айланди.

Яна бир жиҳат. Бултур ви-лоят “Маҳалла” жамгармаси бўлим ва бўлимчалари ҳисо-бидан эътиёмқанд оилалар, ногиронлар, яққа-ёлғиз ва етим-есирларга 2 миллион сўмлик, ҳомийлар ҳисобидан 20 миллион 744 минг сўмлик хайрия улашилган, кўплаб саховат тадбирлари ўтка-зилган эди. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса 3 мил-лион 700 минг сўмлик ана шундай савоб амаллар бажа-рилди.

— Ҳаёт инсонни тоблайти, синовлардан ўтказати, — дей-ди Б.Жумаев. — Ҳаммасига чидаш керак. Юқорида таъ-кидлаганимдек, ари захрини чекмасдан туриб ҳеч бир киши бол қадрини билмас-лиги рост. Мен ана шу оддий ҳақиқатга амал қилиб, бир ин-сончилик бахта — иззат-об-рўға, кўпчилик ҳурматиға са-зовор бўлдим. Умр эса давом этмоқда. Бундан кейин ҳам бутун қалб кўрим, иймон-этиқодим, борингки, жону жаҳоним билан эл-юрт ман-фаати йўлида хизмат қилиш-ни ўз бурчим, деб биламан. Қолаверса, жамият ҳаётида кечаётган янгилиниш ва ислохотлар жараёни ҳар бири-миздан шуни тақозо этмоқда.

Партия сафларида халқ ҳурматини қозонган, тадбиркор кишиларнинг кўп бўлиши унинг мақолини, обрў-эътиборини янада ошириши турган гап. Зеро, бундай фидоий, изланувчан замондошларимиз жамиятга бошқалардан кўра кўпроқ наф келтиришади. O`zLiDeP фаолларидан бири, Қашқадарё вилояти кенгаши аъзоси, “Ал-Исломбек” хусусий фирмаси қошида ташкил этилган бошланғич ташкилот раиси Гулчехра Примкулованинг фаолияти фикримиз исботидир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҳар бир партия, айниса БПТ аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» муҳбири

У эсини танибдики, зардўзлик билан шуғулланади. Да-стлаб қизлари, келинлари, сўнг маҳалла хотин-қизларида ўз касбига меҳр уйғотди. Бугун Гулчехра ва унинг шоғирд-лари қўлида сайқал тонган буюмларга нафақат вилоят, бал-ки мамлакатимизнинг турли бурчаларида ҳам талаб кат-та. Тиниб-тинчимас аёл ўзи истиколат қилаётган маҳалла аҳлига қўлидан келганча ёрдам беради, муҳтожлар дарди-га дармон бўлишга ҳаракат қилади.

— Отам, уста Примкул ўз замонасининг билимдон, зукко кишиларидан бўлган, — дейди Гулчехра опа. — У киши-нинг ўғитларини ҳеч эсимдан чиқара олмайман. Қўли очик, муруватли инсонларни Аллоҳнинг ўзи қўллаиди, дерди-лар. Чиндан ҳам савоб, яхшилик ерда қолмас экан. Биров-ларга кўмаклагансам, ногиронлар, боқувчисиз кексаларнинг юзидан табассум кўрсам, кўнглим ёришади. Ўз ишларим са-марасидан қувонаман. “Иirik саноят корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни раг-батлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президен-тимиз Фармони турмуш фаровонлигини ошириш, одам-ларни доимий иш билан таъминлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳозир фирмамизда 60 киши меҳ-нат қилмоқда. Биз уларни зарур хом ашё ва материаллар билан таъминлаймиз. Ана шу ҳисобдан аҳолига сифатли тайёр маҳсулот етказиб берилмоқда.

Гулчехра Примкулова 19 йил мобайнида мактабда ўқитув-чи бўлиб ишлаган фаол жамоатчилардан бири. Қарлибо-гот маҳалласига раислик қилган йилларда кўчаларни кўка-ламзорлаштириш ва обо-донлаштириш ишларида алоҳида эътибор қаратди, кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат, никоҳ тўйларини ўтказиш-да бош-қош бўлди. Ҳозир-ги кунда ҳам бу борадаги фаолиятини давом этти-рмоқда. Бошланғич партия ташкилоти Қарши шаҳри ва маҳалласида яшовчи 8 та кам таъминланган оила-ни ўз оталиғига олган. Яқ-кабоғдаги “Саховат” қари-ялар уйига ҳам баҳоли-қуд-рат ёрдам бериб турибди.

Қарши туманида Фер-мер хўжалигининг ўз ери бор. Ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил етиш-тириляпти. Хўжалик кўп тармоқли бўлиб, айни кун-да бу ерда 300 дан ортқ қўй-эчки, ўнлаб қорамол-лар парваришланмоқда. 53 киши иш билан таъмин-ланган. Мавсум даврида улар сони янада кўпаяди. Еш авлод тарбиясига қўшган ҳиссаси, вилоятда тадбиркорликни ривож-лантириш борасидаги хизматлари туфайли Г. Примкулова 1999 йилда давлатимиз томонидан “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган эди.

Бошланғич партия таш-килоти фаолиятига кел-сак, аъзолар сонини ўн нафарни ташкил этади. Бу жуда оз, албатта. Биз БПТ раисига шу мазмундаги савол билан муурожаат қилдик.

— Биласизми, мен оз бўлсуну саз бўлсин, ақидасига амал қиламан, — дея жавоб берди у. — Чунки гап сонда эмас. Эътиқоди бут, сиёсий жиҳатдан етук кишиларгина партияга кўпроқ фойда келтиришади.

Ташкилот фаолияти билан танишарканмиз, опанинг гап-ларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Партия йиғилишлари, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниса, ёшлар тарбияси, банд-лик муаммоси бўйича мунтазам иш олиб бориляпти. Зи-лола Маннонова, Кумуш Турсунова, Зебо Фаттоева, Малика Абдиева, Раъно Бойматов ва Махфуза Ғафорова қаби фаоллар ўз зиммаларидаги партиявий топшириқларни сидқидилдан адо этишмоқда.

Гулчехра опа яқинда яна бир савоб ишга қўл урди. Бош-ланғич ташкилот қошида “Муҳтарам аёл” уюшмасини таш-кил этиди. Уюшмага асосан партия фаоллари жалб этилган. Улар уйда ўтириб қолган кекса аёллар, ногиронларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш йўлида ғамхўрлик кўрсатаётдилар.

— “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” давлат дастури ижросини таъминлаш ҳар бир партия ташкилоти зимма-сига алоҳида масъулият юклайди, — дейди Г. Примкулова. — Биз шуни назарда тутиб, омма ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтираёلمиз. Зеро, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш, ислохотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўиши партияимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Илова учун масъул:
Дониёр КАМООВ

Уйғониш ва яшариш фасли

Бухоро вилоятида ўтказилган хайрия ҳашари давомида 350 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, 600 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчратлари ўтказилди. Унда 800 минг киши иштирок этди.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asg» мухбири

Умуман, барча қатори бухороликлар ҳам уйғониш, эзгулик, хайру саховат айёми — Наврўзи оламни катта қувонч ва пухта тайёргарлик билан кутиб олдилар. Айни кунларда вилоят марказида барпо этилаётган янги диагностика марказида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилляпти. Сомонийлар боғида эса Хотира майдонини бунёд этишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Наврўз айёми бугун нафақат бунёдкорлик ишларида, балки ҳамюртларимиз чехрасида ҳам яққол намоён бўлиб турибди. Зотан, Наврўз асрлар силси-



ласида товланган миллий кадрларимизни ўзида мужассам этган қутлуг байрамдир. У — ҳар биримиз учун азиз ва муқаддас. Айнан ана шундай кунларда мурувват, саховатпешалик хислатлари яққолроқ намоён бўлади. Лапару алёрлар авжига чиқади. Ҳеч муноболагасиз айтиш мумкинки, Наврўз рўйи заминдаги

уйғониш нафасини ўзида акс эттирибгина қолмай, одамлар ўртасида яхшилик ва эзгулик уруғларини сочишга хизмат қилиши билан ҳам қадрлидир.

Бухоро шаҳридаги амфитеатрда ўтказилган Наврўз тантаналарини кузатар эканмиз, кўнглимиздан ана шундай ҳис-туйғулар кечди.

Умумхалқ сайллари эрта тонгдан бошланди. Кўча ва хибонлар дид билан безатилган. Барчанинг қалбида қувонч ва ҳаяжон.

Вилоят ҳокими, сенатор Самойдин Хусенов шу муносабат билан ўтказилган тadbирда сўзга чиқиб, тўпланганларни қутлуг айём билан табриклади.

Театрлаштирилган байрам томошаларида С. Айний номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри, Бухоро кўғирчоқ театри санъаткорлари, академик халқ бадийи жамоаси, «Бухоро гўзаллари» ашула ва ракс дастаси, фольклор-этнографик жамоалар, эстрада кўшиқчилари иштирок этдилар. Бухоро дорбозлик санъати, қизиқчилиги ва миллий ўйинларига кенг ўрин берилганлиги байрам завқига завқ кўшди. Айниқса, «Дехқон бўлсанг, ер очгин», «Сумалак базми», «Наврўз сайли», «Мучаллар алмашинуви», «Бухорода Наврўз» деб номланган музиқий дастурлар барчага манзур бўлди.

Шу кунги Имом ал Бухорий номидаги фавворалар майдони, қадимий ва ҳамisha навкирон Лабиқовуз, Регистон ва Шахристон ҳудудида, шаҳардаги А. Фитрат номи майдонида, Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Мухтор Ашрафий номидаги хибонда ҳам байрам тadbирлари бўлиб ўтди. Бир қатор спорт мусобақалари, миллий таомлар тайёрлаш бўйича ташкил этилган кўрик-танловлар ҳам

тўпланганлар ёдида узок вақт қолиши турган гап. «Энг яхши ошпаз», «Энг мазали ҳалим», «Энг яхши қандолатпаз», «Энг ширин сумалак» танловлари голиблари эсдали ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан белгиланган тadbирлар асосида эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг муҷал тўйлари ўтказилиб, кексалар, яққа-ёлғиз кишилар ва ногиронларга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бадийи ҳаваскорлар жамоалари эса ўз кўй-кўшиқлари билан Наврўз сайли иштирокчилари кўнглини хушнуд этишяпти.

Шунингдек, вилоят марказидаги «Семург», «Бухоро», «Умид», «Хумо», «Нас», «Дехқон бўлсанг, ер очгин», «Ситора» мажмуалари, «Олимпия» ва «Отчопар» болалар спорт мактабларида чавандозлик, қўл тўпи, сузиш, эркин кураш, бокс, таэквондо, дзюдо, теннис, мини — футбол, енгил атлетика, бадий гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар давом этмоқда. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси ҳамда бевосита саъй-ҳаракати билан уюштирилаётган байрам тadbирлари давомида мустақил Ўзбекистонимизни, баҳор ва меҳнатни, одадийлик ва эзгуликни улуғловчи тароналар янграб, дилларга ажиб завқ улашаёттир.

«Партия давлатнинг яхлит ва талаба жавоб берадиган ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратади. Партия ёшлар учун сабот билан, босқичма-босқич ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга ва уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини белгилаб беришга ўз кучини сарф этади».

Орзулари олам қиз

■ Голиб ҲАСАНОВ, «XXI asg» мухбири

О'zLiDeP Дастуридаги ушбу сатрларни ўқигандаёқ, унда янги ташкил топан партияга қизиқиш уйғонганди. Орадан кўп ўтмай О'zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти талабалари билан қизиқарли учрашув ўтказди.

Ушанда партиянинг юртимиз ҳаётида туган ўрни мақсад ва вазифалари ҳақида кенг тушуна берилганди, — дейди институт талабаси Марҳабо Чўлиева. — Улар кўнглимиздаги истакларга яқин, мақсадларим билан муштарак эди. Айниқса, қишлоқларда фермерлар ва тadbиркорларга кенг имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлашга оид йўналишлар мени қувонтирди. Чунки, отам қишлоғимиздаги фермер хўжалигида меҳнат қилиб, рўзгор тебратарди. Бундан ташқари, ўқиш жараёнида ҳам мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг истиқболли бевосита фермерлик ҳаракати билан боғлиқ эканлигига амин бўлгандим. Хуллас, ўша учрашудан сўнг ушбу партияга аззо бўлиб, унинг мақсадларини амалга оширишда иштирок этишга аҳд қилдим.

Дилида борини очик-ойдин айтиб қўя қоладиган бу киз 1980 йилда Пастдаргом туманининг Илм қишлоғида туғилган. Болалиги бағри кенг одамлар орасида ўтган. Қиз бола бўла туриб, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетида ўқишга кирганининг боиси ҳам ана шунда.

Агроном бўлмоқчилигимни эшитиб, қиз бола ўзига муносиб соҳани эгалласа бўлмасмикин деганлар ҳам топилиди, — дейди Марҳабо. — Лекин қишлоқ хўжалиги соҳаси фақат даладарда юришдангина иборат эмас, балки дастурхонларимизга барака киритаётган деҳқонга мадад бериш, улар етиштираётган маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошириш, янги-янги навлар яратиш, юртимиз шухратини кўтариш ҳам агрономнинг вазифаси эмасми? Қишлоқда ўсиб, улғайганман, ернинг инжиқликларини ҳам, ҳимматини ҳам яхши биламан.

Ана шу иштиёқ ва катъият Марҳабонини кўп ўқишга, илм йўлида тинмай изланишга ундади. Натижада у тез орада устозлари назарига тушди. Институтнинг фаол, билимдон талабаларидан бирига айланди. Ўтган йили эса қишлоқ ва сув хўжалиги таълими йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига муносиб топилди.

— Келажак орзуларим кўп, — дейди Марҳабо. — Аввало ота-онам, устозларим ишончини оқлаб, селекция бўйича илмий изланишларимни давом эттирмоқчиман. Вақти келиб, фермерлик қилиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ахир, олинган билимларни амалиётда синаб кўриш керак-ку.

Марҳабо билан хайрлашар эканман, партиямиз сафларида замонавий фанлардан, интилувчан, ўз мақсади йўлида тинмай изланадиган қизлар борлигидан фахрландим.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгашининг аёллар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги Улуғобод кўрғонида касаначиликни маҳаллий шароитда ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Улуғобод касаначилари

■ Пиримкул ДЎСТМАМатов

Юздан зиёд қиз-жувон иштирок этган ушбу тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аззоси, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева, вилоят ҳокимлиги қотибяти мудири Покиза Аҳмаджонова, О'zLiDeP вилоят кенгаши тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Дилбархон Шерматова аёлларнинг касаначилик соҳасидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлаш масалалари юзасидан йиғилганлар билан ошқора суҳбат қурдилар.

«Пахтабанк» вилоят бошқаруви бош мутахассиси Гулчехра Йўлбарсова кредит олиш тартибқоидалари, О'zLiDeP вилоят кенгаши ходими Ҳайринисо Шерматова уй бекаларини зардўзлик, тикиш-бичиш, гиламдўзлик каби миллий хунармандчилик каби уй меҳнатига жалб этиш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқладилар.

Тadbир иштирокчилари «Улуғобод» маҳалласида яшовчи тadbиркор Латофат Араббоева ва унинг шогирдлари тиккан миллий либослар, каштачилик санъати намуналари кўргазмасини томоша қилдилар, қўли юл хунарманд, моҳир чеварлар маҳоратини гулори баҳоландилар.

Андижонда тантаналар

Мана, юртимизга тарихи минг йилларга бориб тақаладиган Наврўзи олам ташриф буюрди. Барча қатори андижонликлар ҳам бу кунни соғинч билан ориқиқиб кутишган эди. Наврўз ҳаётни севишга, ардоқлашга даъват этади. Шу боис авлодлар уни азал-азалдан шоду хуррамлик билан нишонлайдилар. Қолаверса, шарқона янги йил кўкламнинг ана шу кунинда бошланади, дилларда некбин орзулар уйғонади.

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asg» мухбири

Наврўз муносабати билан вилоят шаҳар ва қишлоқларида катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозиргача 1745 километр ҳажмдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, 5 миллион 144 минг туп гул, 1 миллион 637 минг туп мевали ва 2 миллион 623 минг туп манзарали дарахт кўчратлари

ўтказилди. Кам таъминланган оилаларга 58 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Байрамнинг асосий тантаналари Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. «Ассалом, янги кун, ассалом, Наврўз!» деб номланган театрлаштирилган бадийи-музиқий дастур тўпланганларда

катта таассурот қолдирди. Наврўз шукӯҳи хонандаларнинг кўшиқларида, шоирларнинг шеърларида, раққосаларнинг ўйинларида яққол намоён бўлди.

Дошқозонларда пиширилган сумалак, ош ва бошқа нози-неъматлар юртимиздаги тўкинликдан нишон эди. Карнай ва сурнай садолари қалбларга ажиб сурур, завқ-

шавқ бахш этди. Меҳнат фахрийлари, фаоллар ҳамда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг вакиллари учун дастурхон ёзилиб, уларга катта ҳурмат ва эътибор кўрсатилди.

Шунингдек, Навоий, Бобур, Чўлпон, Пушкин номи маданият ва истироҳат боғларида, Конституция майдонида, Истиқлол кўчасида, шаҳардаги

Кўшарик, Бўстон массивларидаги сайлиғоҳларда байрам концертилари, спорт мусобақалари ташкил этилиб, ракс ва кўшиқ танловлари уюштирилди.

Қизиқчилар томонидан ижро этилган сахна чиқишлари, аскиялар, халқ ўйинлари ва полвонларнинг беллашувлари ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Ҳайиткўлда бахшилар баҳси

Чироқчи туманидаги Ҳайиткўл қишлоғида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан халқ бахшилари ва фольклор-этнографик жамоаларининг «Бахшили эл — яхшили эл» деб номланган фестивал бўлиб ўтди.

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asg» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси,



Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази, вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда қадимий халқ до-

стурлари, терма, кўшиқ, лапар ва рақсларнинг моҳир ижрочилари бўлган бахши шоирлар ҳамда фольклор-этнографик жамоалар иштирок этишди. Чироқчи тумани ҳокими Н. Қаюмов тadbирни қисқача ки-

риш сўзи билан очаркан, мамлакатимизда ота-боболардан қолган миллий мерос, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг бахшилар баҳси бошланди. Унда «Энг кекса бахши» йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ бахшисини, кашқадарёлик Шомурод Тоғаев, «Бахшили санъатини изчил давом эттирган учун» йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ бахшисини, самарқандлик Зиёдулла Исломов, «Мухлис олқиши» йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ бахшисини, сурхондарёлик Шоберди Болтаев, «Устоз ва шогирд анъаналарини давом эттиргани учун» йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ бахшисини Абдуқаҳор Раҳимов, «Ўзига хос бадиҳагўйлиги учун» йўналиши бўйича сур-

хондарёлик Абдуназар Поёнов, «Ўзбек халқ бахшичилиги анъаналарини ривожлантиригани учун» йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ бахшисини, сурхондарёлик Бобурайим Маматмуродов, «Халқ чолгу асбобларининг моҳир ижрочисини» йўналиши бўйича Раҳим бобо Хўжамуродов голиб деб топилдилар.

Ўз ижро санъатини намоён этиб, оромбахш куй-кўшиқлар билан муҳлислар олқишини олган «Чироқчи чироқлари», «Қизгалдоқ», «Момогул» фольклор-этнографик, «Бахтли болалик» мақомчилар ансамбллари ҳам фестивалнинг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритдилар.

Анжуман сўнгиде миллий кураш беллашуви, халқ хунармандчилиги кўргазмаси, миллий таомлар танлови ва халқ ўйинлари ташкил этилди.

1 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО КУЛГИ КУНИ

ХИКОЯ

УМИД АРСЛОНБЕКОВ

Нихоят, Урумчига боришига ишонч ҳосил қилган Шароб роса ун беш кунча ухлай олмади. Дўпписи бошдан олиб, бундай ўйлаб қараса, эллика кирибди-ю Фарғонанинг Кўқония Андижоннинг Чўнтаздан бошқа жойни кўрмабди. Уям бир ош, бир тўй баҳона четга чиққан. Ана шуларни ўйлаб юраги тўқилди. Самолёт чиптаси қўлга теккач, бутунлай уйқуси қочди. Фақат Тошкент-Урумчи йўналиши бўйича учувчи самолёт ўриндиғига ўтирганидагина юраги ором ола бошлади. Тошкент азиятининг маҳобатли аэропорти боҳайбат самолётларини кўраётганига кўниси Маматнинг сувоҳ бўлмаётганига ачинди. Агар Мамат шопир шуларни кўрганида, роса алам қиларди-да, ўйлади Шароб...

чол. Уттиз йил айтганини қилдим. Ун қорасан, деди, қордим. Кўмир ташишсан, деди, ташидим. Мана, саккиз йилдирки, унинг ўрнига нон ёлмади. Қанча шогирдлари ташлаб кетди. Мен кетмадим. Шуни яхшиликларимга жавоби...

Неча марта сўрадим поезд-моезда борсам бўлмайдими, деб. — Урумчига поездда борадиган замони ҳозир, деб ўзиникини маъқулади. Мана, оқибат. Саккизта боласи кўз ўнгидан ўтаётган Шаробнинг томоғига нимадир тиклангандек бўлди. Атрофга олазариқ қаради. Кимдир газет титкилаган, яна кимдир эснаганча ён-атрофдаилар билан суҳбат қураётти. «Кўнилларига сиққанини-чи», — ўйлади Шароб. Шу пайт боядан бери

уйдан лағмон чиқартирибди. Уйғурча лағмон эмиш. Ҳамма ишонди. Ҳамма кўнди. Аммо Шароб чидамади. Ҳақиқий уйғур лағмони бошқача бўлишини исботлагиси келди. Учунчи пиёладан кейин нима жи урди-ю гаров ўйнаб, қасам ичиб юборди.

— Урумчига бориб уйғурча лағмонни ўрганиб келмаган номард... Тилим кўрсин, тилим, деди Шароб. Хотиниям бир нарса билангдек тўғри уришган экан. — Эллика кирганда қайси ақли бор одам касбини ўзгартирадди, — деди Рисолат ая куюниб. Аммо тўқизта улаф ва беш-олти нафар кўни-кўшни олдидан берилган ваданинг тоши оғирлик қилди. Уйлаб қараса, «қасамхўр» деган ном орттириб олади ўзига.

ўйлайдиган чиқиди. Шуниси-гям шукр, ўйлади Шароб. Аммо кампирдан дуо олиб тўғри қилган экан-да. Нима қилсамяк оғаси, қулоқлари оғир бўлиб қолаям, Урумчини эшитиб узоқ дуо қилдилар. Қўларига ёш олиб, йиғлаб ҳам олдилар. Бир нарса сезган экан-да кампир, ўйлади Шароб. Бекорга шерик-перигинг борми, болам, демаган экан. Қанақа шерик, ахир. Агар кампир бйрон нарса сезганда борми, қайси аҳмоқ иши, жойи, оғласини ташлаб Урумчига борибдики, сен борсанг. Эллика кирмай ўл. Тошкан ё Самарқанми у сенга... Уйғурча лағмон ўлғурчи, керак бўлса, Олтиарқидаям ўртадаганлар топилди, деган бўларди. Аммо Шароб ўшанда кўнгли учун тўрттабиз, бир айланиб кела-

ҚУДРАТ

иккала қўлини паҳса қилганча нималариндир тушунтирган жиптаққина қиз энди бошқа тилда жавраганча ҳалиги қилиқларини қайтара бошлади.

Масала жиддийроқ шеклли, ўйлади Шароб. Ўзбекча гапирди, русчадаям тушунтирди-ёв. Энди чет тилда жавраятти. Ишқилиб, самолётлари яроғимикин?..

Шаробнинг бутун евужди қизий бошлади. Кўз олдидан қоронғулашиб, боши айланайоти. Шунча йилдан бери нововийлик қилиб, ҳар кунни ўттиз-қирқ марта тандирда нон ёпади, оловдек қизган тандирдан нон узати-ю лекан бадани бунақа қизмаганди. «Ё тушиб қолсаммикин?» Шароб хаёлига келган ўйдан бир тетикланди-ю, ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди. Аммо чўчварани хом санаган экан. Ҳалидан бери жавраб-жавраб, қулоқлари битиб учибман-да, деб ўйлаганиди.

«Уйламай ҳар нарса бўл», — деди Шароб ўзига ўзи гўдраниб. Бир маҳал самолёт бир силқинди. Шаробнинг юзидан қон қочди. Умида ҳатто бир ярим метри девор ошмаганини эслаб юрагини чангаллади. Кўз ўнги баттар қоронғулашди. Кенжасини Улфатбекнинг «Дада, менга Урумчидан нима олиб келасиз?» деган гапларини эслади.

Шу ёшга кириб тўртта жиззали нон ёпиб, хотиние алиммасанидан афсусланди. Яна нововий бўлиб-а... Бир оз кўп гапирсаям кўхликкина хотини бор. Қасрдасиз, нимасиз, дедмай-юзини терс буриб олади. Кўзойнагини бир тўғрилади-да, олд ўриндиқ чўнтаздан чиқиб турган қандайдир рангли журналга ёпишди.

«Қасрданам қасам ичдим», ўйлади Шароб. Ҳаммаси гузар чойхонасидаги ўша утиридан бошланди. Ҳалим чала ош, деб

миз-да, она, деб кампирга тасалланди беранди. Тўқсонга кириб қолган одамни алдашинг оқибати шунақа бўлади, ўйлади Шароб. Бирдан унинг хаёлига етти-саккиз чоғи кўнисига нон чиқариб, пулни олиб ўлғурмагани келди. Гузларига янги дўқондан саккиз қоп ун олиб, тўрт қопга пул тўламаганини эслади-ю, баттар эзлди. Энди бўлги нима бўлади. Шу пайт бирдан нимадир гўмбурлади-ю, қарс этган овоз келди.

«Бошланди...» — ўйлади Шароб. Узоқдан шиг-ув, деган овоз эшитилди. Ҳали, ҳамроҳи айтаюкидек, ҳаво етимидай қолдим, ҳарқалай, қулоқлари битиб нафаси қиса бошлади.

— Эй, Худо... — деди Шароб. Тездан бир оят қурьон тиловат қилишга киришди. Кўнгли бир оз таскин топиб.

«Улим олдидан шунақа бўлади», ўйлади у. Кейин шовқин тина бошлади. Гуллазан овоз ҳам пасаиди. Шароб халмаи шаҳодатини кўдратиға ҳар доим ишониб келган. Энди нима бўлса, булар... — Турасизми, ака? Шароб кулоғининг остидан янраган хунок товушдан бир оз гарангиди...

— Одамлар тушиб бўлди, — яна хайталанди овоз. Жик-жик терга ботган Шароб бошини кўтариб-ю, бир-бирларига туртинганча самолётдан тушаётган йўловчиларни кўрди.

— Барибир тўхташибди-да. Шароб зил-замбидай икки қўлини бир-бирга бойлаётган ҳамроҳининг тунд юзларидан ҳеч нарса ни англамади. Фақат деразга қарагандагина Урумчига етиб келганини тушуниди. Тушунди-ю, юраги баттар уешиди. Энди у ўйга қайтиши азобини ўйларди.

Шу ёшга кириб тўртта жиззали нон ёпиб, хотиние алиммасанидан афсусланди. Яна нововий бўлиб-а... Бир оз кўп гапирсаям кўхликкина хотини бор. Қасрдасиз, нимасиз, дедмай-юзини терс буриб олади. Кўзойнагини бир тўғрилади-да, олд ўриндиқ чўнтаздан чиқиб турган қандайдир рангли журналга ёпишди.

«Қасрданам қасам ичдим», ўйлади Шароб. Ҳаммаси гузар чойхонасидаги ўша утиридан бошланди. Ҳалим чала ош, деб

миз-да, она, деб кампирга тасалланди беранди. Тўқсонга кириб қолган одамни алдашинг оқибати шунақа бўлади, ўйлади Шароб. Бирдан унинг хаёлига етти-саккиз чоғи кўнисига нон чиқариб, пулни олиб ўлғурмагани келди. Гузларига янги дўқондан саккиз қоп ун олиб, тўрт қопга пул тўламаганини эслади-ю, баттар эзлди. Энди бўлги нима бўлади. Шу пайт бирдан нимадир гўмбурлади-ю, қарс этган овоз келди.

«Бошланди...» — ўйлади Шароб. Узоқдан шиг-ув, деган овоз эшитилди. Ҳали, ҳамроҳи айтаюкидек, ҳаво етимидай қолдим, ҳарқалай, қулоқлари битиб нафаси қиса бошлади.

— Эй, Худо... — деди Шароб. Тездан бир оят қурьон тиловат қилишга киришди. Кўнгли бир оз таскин топиб.

«Улим олдидан шунақа бўлади», ўйлади у. Кейин шовқин тина бошлади. Гуллазан овоз ҳам пасаиди. Шароб халмаи шаҳодатини кўдратиға ҳар доим ишониб келган. Энди нима бўлса, булар... — Турасизми, ака? Шароб кулоғининг остидан янраган хунок товушдан бир оз гарангиди...

— Одамлар тушиб бўлди, — яна хайталанди овоз. Жик-жик терга ботган Шароб бошини кўтариб-ю, бир-бирларига туртинганча самолётдан тушаётган йўловчиларни кўрди.

— Барибир тўхташибди-да. Шароб зил-замбидай икки қўлини бир-бирга бойлаётган ҳамроҳининг тунд юзларидан ҳеч нарса ни англамади. Фақат деразга қарагандагина Урумчига етиб келганини тушуниди. Тушунди-ю, юраги баттар уешиди. Энди у ўйга қайтиши азобини ўйларди.

КУНЛАРДАН-БИР КУН

КУНЛАРДАН-БИР КУН

ШУХРАТ ХУЖА

ШУХРАТ ХУЖА

ЛАТИФАЛАР

ХУСАН СОДИКОВ ЧИЗГАН РАСМЛАР

«Бакиров дўхтур» деган қўшнимиз бор. Иomini аниқ билмайман: ё Абдурахим, ё Абдурахмон ака. Лекин ҳунинг аҳамияти йўқ. Сабаби — маҳаллада ҳамма у кишини «дўхтур ака», ТошМИДа беш-олти йил дарс бергани учун «домла», аниқроқ қилиб айтмоқчи бўлса, «Бакиров» деб чақиради. Ёши олтмишларга бориб қолган. Кўрсангиз, Абдулла Қаҳҳорнинг «Бек» ҳикояси бош қаҳрамонининг ўзи: замондан роппа-роса илгирима йил ортда қолган одамлардан экан, дейсиз.

Саломат бўлинг

Шўро даврида «военкомат»да ишлаб, комфирқанинг фаола азоси бўлган. Шу боис, айни пайтда оилавий поликлиника-мизда жароҳ бўлиб ишлаётган акамизнинг ишдан бўш пайтида ҳам бошидан шяпа, буйиқдан галстук, эғидан костюм тушмайди. Ҳайрон қолсан киши: 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилинган, Бакиров ўзининг гайри-табиий ҳаракатларию, антиқа гаплари билан ёрдамга муҳ-тож беморлар у ёқда турсин, соппа-соғ одамларни ҳам ҳяратда қолдирадиган бўлиб қолди. Аввал одамларнинг ана шу киши қаҳқандаги гапларини эшитиб, ишонмадим. Кейин эса...

Дам олиш кунни арафаси эди. Бозордан майда-чуйда харид қилиб, бекатда автобус кутиб турганим, қаердандир қўлиғига кичкинагина чарм пақасини қистириб олган ана шу қўшим пайдо бўлиб қолди. Салом бериб: «Ака, соғалқарингиз яхшими?», — десам, алик қайтариб ўрнига: «Биззи ишонмага ўтмай кўйдингиз, операция қилдириш ниятингиз бўлмаса, чиққан қўла-өгунгизни солиб қўямиз, унгаям кўнмасангиз, бошқа енгилроқ муолажа турлари бор», — деса бўладими даб-дурустдан. Аввалгина, Гипократ қасамини ичганига анча бўлаян ва шу сабабли хотираси сусайиб қолган қўшим мени ким биландир адаштирапти ёки шунчаки ҳазиллашяпти, деб ўйладим. «Худо сақласин, нималар деясиз, қанақа операция, қанақа муолажа, минг қатла шукр, тузукман. Илоийм, бу борада дўхтурларга ишим тушмасин», — деганимни биланам, суҳбатдошим жиддий оҳангда мени «қўрқитиш»ни давом эттирди. «Ҳозирги замонда тўрт моҳаси соғ кишини топиб бўлмайди. Билиб қўйинг: ука, соғ одам текширувдан ахши ўтказилмаган бемор ҳисобланади. Душанба кун, поликлиникамизга бориб анализ топшинг. Юз фойз қафолат бераман: ташхис қўйиб, эртаси кун қўлингизга касалларингиз рўйхатини тутқазашади». Жаҳлим қичди. «Қанақа одамсиз ўзи? Бунча қада соғ одамни ҳам касал қилиб қўйсизлар-ку!» Оғзимдан ана шу гап чиқшини пойлаб турган экан, шеклли, қўшим ундан ҳам жоғилроқ оҳангда, эътиборлиси — ёшларга хос шижоат билан гапини давом эттирди: «Асабийлашманг, сиқилманг. Мабодо, қон босимингиз кўтарилиб, бошингиз отриб қолса, танинг терапевтим бор. Яхши бир дори ёзиб беради. Жа бўлмаса, битта укол-да! Вақтинча бўлса ҳам, енгил тортасиз». Бу одамнинг шунақа қилиги борлигини билмаган эканман, деб ўйладим ичимда. Автобус ҳам кела қолмади. Пиёда кетаверсам бўлар экан. Бор-йўғи икки бекатли йўл. Мана бу «буюк табиб»нинг гапларини ҳам эшитиб ўтирмасдим, юрлар билан бўлса ҳам озгина юриш соғайимга фойда бўларди. Айнан шу пайт автобусимизнинг қораси кўришиб қолди. Аксиза олиб, ҳар доим бўм-бўш юрадиган «мерс»имиз тирбанд бўлиб келди. Шу боис маслаҳатгўй қўшимнинг олдидан тик туршисе мажбур бўлдим. Шунақа гаплар, дўстим, — дея гапини давом эттирди у. — Ҳозирги замон тиббиёти имкониятларининг чеки йўқ, аммо беморларнинг имконияти чеклиниб қолмоқда. У-бу ёғи отриб қолган одамлар ё дориға кетадиган беш-ўн сўмини қизгани-шадди, ё кимматбаҳо вақтинчи. Натжаҳода ўша терапевт дўстимнинг қабулгамактабининг анатомия хонасида «экспонат» сифатида фойдаланса бўладиган қуруқ сувга қолган беморлар келмоқда...

— Нафасингизни иссиқ қилинг, — дедим унга қулиб. — Ана тушадиган бекатимизга ҳам келиб қолдик. Ундан кўра, бугун кечкурун гузарга чиқинг. Хабарингиз бордир: эртага маҳаллада Наврўз байрами нишонланади. Хотинлар сумалак, эркаклар ҳалим пиширимоқчи. Қўнчиқилару қизқиқилару келишармиш... Автобусдан тушунча менга гап бермай, булбулигўё бўлган Бакиров ака калласини лиқиллатганича ҳайрни ҳам насия қилиб, уйга кириб кетди. Уша кунни ҳам, байрамда ҳам Бакировлар оиласидан биронта киши кўрнмади.

Душанба кун ишга кетаётган, Бакиров чорлаган жойга, яъни поликлиникага кириб ўтишга мажбур бўлдим. Текширувдан ўтиш ё муолажа қабул қилиш учун эмас. Аксичча, мени текширувдан ўтказмоқчи бўлганларнинг ҳолидан хабар олиш учун. Сўраб-сўриштирсам, икки кун домланинг боши отрибди. Байрам эса мутлақо ёдидан кўтарилибди. Кечкурун ҳаммадан кейин пайдо бўлишни эса одобсизлик, деб билибди.

— Санъаткорлар чиқшини кўриб, боши отрингиз ҳам қоларди, — дедим унга шифокорларга хос жиддий оҳангда. — Мана бу кеча дастурхонага тортилган нарсалар. Келиннингиз, ҳаммаси витарин, айнан ҳозир ёйиш керак, деб бериб юборди. Менга энди руҳсат. Ишга кеча қолаётувдим. Домла бир нуқтага қараб, қўлини кўтарганича индамай, мени «кузатиб» қўйди. Мен эса «Саломат бўлинг, ака», дея, ташқари тарафиди «ЖАРОҲ А. БАКИРОВ», деган ёзуви бор эшикни эҳтиёткорлик билан ёпиб, секингина йўлга равона бўлдим.

— Бундан қаранг, одамлар чумоликдек кўринадди, деганлари рост экан-а! Неча минг метр баландликка чиқдик ўзи? Стюардесса: — Биз ҳали кўтарилагимиз йўқ, амаки. Кўраётганларингиз эса чиндан чумолилар бўлса керак.

— Кўп ўтириб қолиб, сизларни анча куттириб қўйдим-а? — дебди меҳмон хайрлашаётган... — Йўқ, унчалик эмас... Бу пайтда биз барибир уйғониб, ишга отланаётган бўлардик.

Минбарда турган Брежнев қоғоздан ўқиб бераётганмиш: — Уртоқлар, мана бугун биз барчамизга қадрдон бўлиб қолган, коммунистларимиз йўловчиларидан бири, Леонид Ильичини... сўнги манзилга кузатиб қолаялмиш... — Уз гапларидан ҳайрон қолган ношк аввал қоғозни бошидан ўқиб чиқибди-да, сўнгра эшига назар солиб: — Узр, ўртоқлар, бугун яна адашиб Андроповнинг костюминини кийиб олиман, — дебди.



РАССОМ ХАНДАСИ

ХУСАН СОДИКОВ ЧИЗГАН РАСМЛАР

УКРАИНА

Зиддиятлар гирдобидида

Украина Олий Радасига бўлиб ўтган сайловларнинг якуний натижаси ҳалигача мавҳум бўлиб қолмоқда

Украинада бўлиб ўтган парламент сайлови ва унинг натижалари ҳамон жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуи бўлиб қолмоқда. Чунки, бу галги сайловдан кейин ваколатларнинг катта қисми президентдан бош вазирга ўтади. Бироқ, ҳозирча якуний натижалар ҳақида сўнги сўзни айтиш қийин. Сиёсий тadbирда 45 та партия ва блок иштирок этганлиги сабабли овозларни ҳисоблаш жараёни секинлик билан борапти. Шундай бўлса-да, 5 та сиёсий партия ва блок Олий Радага ўтиш учун зарур 3 фоизли маррани забт этишди.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ

Булар собиқ бош вазир Виктор Януковичнинг Минтақалар партияси, Юлия Тимошенко блоки (ЮТБ), президентнинг "Наша Украина" блоки, социалистлар ва коммунистлар партияларидир. Парламент спикери Литвининг Халқ блоки, шунингдек, Наталия Витренко блоки ҳам уч фоизли маррани забт этиш арафасида турибди. Овозлар ҳисоблаб чиқилгач, қайси партиянинг қайси блок билан коалиция тузиши аниқ бўлади. Ҳозирданок аниқ айтиш мумкинки, бирорта партия ҳукуматни мустақил равишда шакллантириш имкониятига эга эмас. Кузатувчилар аниқ чалқаш вазиятда бўлгуси коалицион ҳукумат манзарасини тасвирлашга уринмоқдалар. Гарчи Минтақалар партияси сайловда етакчилик қилаётган бўлса-да, Юлия Тимошенконинг ғалаба қозонгани айтилмоқда. Чунки учинчи ўрин билан қифояланган "Наша Украина"нинг Януковичдан кўра, "зарғалдоқ инқилоб"и қаҳрамонларидан бири Тимошенко хоним билан коалиция тузиш эҳтимоли юқорирок.

Бошқа томондан, парламентда "зарғалдоқ коалиция" пайдо бўлиши ёки бўлмастлиги аниқ социалистларга боғлиқ. Агар улар розилик берсалар, шундай имконият туғилади, акс ҳолда Минтақалар партияси социалистлар ва коммунистлар билан шерикчилик

да ҳукумат тузади. Украина социалистларининг ҳам бугунги мавқеини инкор этиб бўлмайди, бироқ энг муҳим масала ЮТБ ва "Наша Украина"нинг келиши олишида. Маълумки, сайловолди сўровларига кўра, Тимошенко блоки учинчи ўринга даъвогарлик қилаётганлиги. Лекин қутилмаганда ЮТБ ҳокимият партиясини катта фарқ билан ортда қолдира олди. Шундай экан, Тимошенконинг "зарғалдоқ"чилар ўнг қаноти билан "савдо"сидан олдинги мавқеи сезиларли даражада мустаҳкамланди. Муаммонинг мураккаб томони шундаки, блок раҳбари бош вазирликдан бошқа лавозимга рози эмас. Ҳозирги ҳокимият бу шартга қанчалар тайёр, буни фақат вақт кўрсатади. Чунки Конституцион ислохотлар кучаси сайловда етакчилик қилаётган бўлса-да, Юлия Тимошенконинг ғалаба қозонгани айтилмоқда. Чунки учинчи ўрин билан қифояланган "Наша Украина"нинг Януковичдан кўра, "зарғалдоқ инқилоб"и қаҳрамонларидан бири Тимошенко хоним билан коалиция тузиш эҳтимоли юқорирок.



АҚШ

АҚШ Олий суди Усома бин Лодиннинг шахсий ҳайдовчиси Салим Аҳмад Хамдоннинг мамлакат мудофаа вазири Дональд Рамсфелдга қарши даъвоси юзасидан террорчиликка қарши курашда қўлланилаётган махсус ҳарбий судларнинг қонунийлигини кўриб чиқишга киришди. Бу жараён нафақат Америкада, балки халқаро майдонда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки АҚШ суди Президент Бушнинг террорчиликда айбланаётган шахслар устидан ҳарбий трибунал ўтказиш тўғрисидаги қарори конституциявийми, йўқми, деган саволга жавоб бериши керак.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

"The Washington Post" газетаси Хамдоннинг Рамсфелдга даъвоси 2001 йил 11 сентябрдан буюн Буш фойдаланаётган президентлик

ваколатларига катта таъсир кўрсатишини ёзаяпти. Хамдоннинг адвокати Олий суд аъзоларидан Жорж Буш томонидан тузилган ҳарбий трибуналларни АҚШ конституциясига зид, деб тан олиш-

раина" билан Минтақалар партияси ўртасида коалиция тузиш эҳтимоли ҳам урганила-япти. Аммо, президент тарафдорлари бунга рози бўлмасалар керак. Уларнинг иттифоқи сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ўзини оқласа-да, бироқ имиж томонидан мақбул эмас. "Зарғалдоқ"чилар Янукович билан курашга шу қадар кўп вақт сарфладиларки, уларнинг бирлашуви ҳар икки партия сайловчиларида норозилик уйғотиши аниқ. Демак, ЮТБ ва Александр Морознинг социалистлари кун тартибига чиқмоқда. Биргина социалистлар билан "Наша Украина" парламент кўпчилигини туза олмайди. Улар Минтақалар партиясидан устунлики кўлга киритиш учун фақат Тимошенко блоки билан иттифок тузишлари зарур. Бироқ, бу ҳолатда ҳокимият яна унинг даъвогарига ён босиши керак бўлади. Хуллас, булар дастлабки тахминлар, холос. Бюллетенларнинг аксарияти ҳисоблаб бўлингандан кейингина аниқроқ башорат қилиш мумкин. Радага ўтказилган сайлов фақат бир нарсани,



у ҳам бўлса бугунги кунда мамлакатда парламентдаги аксарият ўринларни эгаллайдиган партия ёки блоклар йўқлигини исботлаб берди.

Иккинчидан, муҳолифатнинг ўта кучли натижага эришуви катта ваъдалар билан остона хатлаган инқилобчилар ўз сўзининг устидан чиқа олмагани билан изоҳланади. Учинчидан, янги парламентда кучлар нисбати қандай тус олишидан қатъий назар, ички курашлар ва ташқаридан бўладиган ҳар хил босимлар мамлакатни емира бошлади. Сайловда мамлакат шарқи ва гарбининг сиёсий фронтнинг икки тарафидида турган кучларга овоз бериши парокандалик мавжудлигини исботлади.

"Зарғалдоқ" инқилоб фақат бир нарсани олиб келди: Украинанинг Европа Иттифоқи, АҚШ ва НАТО билан муносабатлари яхшиланди, Жаҳон савдо ташкилоти билан муносабатларида ижобий силжишга эришилди. Аммо асосий сиёсий масалалар ечимиди янги ҳокимият ноқобиллигини намойиш



эти, сафдошлар зиддиятга бордилар, узок мuddатга мўлжалланган аниқ иқтисодий стратегия ишлаб чиқилмади, маълум тармоқларда давлат аралашуви давом этди, хусусийлаштириш борасида тушунарли сиёсат олиб борилмади, президентга яқин кишилар коррупцияда айбланди, Россия билан муносабатлар атайлаб кес-

кинлаштирилди. Буларнинг барчаси амалдаги ҳокимиятнинг обрўини тўкиб қўйди. Сўнги икки йилдан бери мамлакатни иқтисодий инқироз ўз домига тортиб бораётганини ҳам таъкидламоқ жоиз. 2004 йили Украинада юз берган кескин ўзгаришлар нафақат ички ва ташқи сиёсатни, балки мамлакатнинг иқтисодий аҳолига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Аввалига Ю. Тимошенко, кейинроқ Ю. Ехануров ҳукумати аввалги маҳкамаларнинг ривожланиш стратегияси курсини тубдан ўзгаришига киришди. Бунга Евротизимларга интеграциялашуви тезлаштириш ва Фарб билан ҳамкорликни фаоллаштиришга оид сиёсий дастурнинг амалга оширилиши сабаб бўлганини таъкидлаш лозим. 2005 йил якунлари ва 2006 йилдаги иқтисодий тараққиёт борасидаги маълумотлар туб бурилишлар мамлакат учун силлиқ кечмаётганлигини ҳам кўрсатди. Хусусан, 2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатла-


ри беш мартаба (12 фоиздан 2,4 фоизга) пасайиб кетди. Шу йил январда ЯИМ ўсиши 2005 йилнинг январига солиштирилганда, 10 март аралашуви давом этди, хусусийлаштириш борасида тушунарли сиёсат олиб борилмади, президентга яқин кишилар коррупцияда айбланди, Россия билан муносабатлар атайлаб кес-

ИСРОИЛ

Исроилда навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Ариэль Шарон ташкил этган "Кадима" марказчи ҳаракати ғолиб чиқди. Ушбу сиёсий куч Кнессетнинг 30 ўрнини эгаллашга муваффақ бўлиб, мамлакат сиёсий тарихида янги даврни бошлаб берди, дейиш мумкин. Чунки шу пайтгача ҳукуматни бошқариш масъулияти Меҳнат партияси ёки "Ликуд" зиммасида бўлган.

Янги партиянинг илк ғалабаси

Сайлов куни Исроилда жуда жиддий ҳавфсизлик чоралари кўрилди. Бу куни мамлакатга фаластинликларнинг кириши тақиқлаб қўйилди. Айтилган Шароннинг оғир инсультдан сўнг комада ётганлиги боис, мамлакат бош вазири вазифасини бажараётган Эхуд Ольмерт "Кадима"га раҳбарлик қилиб турибди. Кузатувчиларнинг фикрича, Ольмертнинг Исроил доимий чегараларини шакллантириш режасини ҳаётга татбиқ этиш жуда қийин кечади. Ушбу режага кўра, Исроил Иордан дарёсининг гарбий қирғоғини тарқатиши керак. Лекин фаластинликлар талаб қилаётган баъзи ҳудудлар Исроил таркибида сақланиб қолиши мумкин.



ГРУЗИЯ

Жосус қўлга олинди

Грузияда Ички ишлар вазирлиги вакиллари томонидан мамлакат президенти маъмурияти ходими, давлат раҳбарининг маслаҳатчиси Симон Киладзе қўлга олинди. У ватанга хоинлик ва жосусликда айбланмоқда.



— 2004 йилдан буюн Киладзе хорижий давлат махсус хизматига президент, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият раҳбарлари, давлат делегацияларининг ташрифлари ва музокаралар ҳақида маълумот бериб турган. Бунинг учун у электрон почта ва халқаро почта хизматидан фойдаланган. Ушбу давр мобайнида Киладзе банк ўтказмалари орқали 20 минг АҚШ доллари олган, — деди матбуот анжуманида Грузия ички ишлар вазири Вано Мерабшвили.

Вазир айбланувчи хизмат қилган хорижий давлат номини айтмади. Лекин у ҳадемай Киладзенинг жосуслик фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотни жамоатчилик эътиборига тақдим этишга ваъда берди.

Симон Киладзе 1997 йилдан буюн президент девонидида ишлаб келарди ва Эдуард Шеварднадзе матбуот хизматидида хорижий ОАВ мониторинги билан шуғулланганда.

ТУРКИЯ

Туркия мудофаа саноати бошқармаси бошлиғи Мурод Баяр маълум қилишича, Анқара АҚШда тайёрланаётган F-35 авлодига мансуб Joint Strike Fighter (JSF) русумли 100 та қирувчи самолёт сотиб олишни режалаштирган, дея хабар беради ушбу мамлакатнинг NTV телеканали. Ушбу самолётлар Туркия ҳарбий ҳаво кучларидаги F-16 ва F-14 самолётлари ўрнини эгаллайди.

Сафда — янги қирувчи самолётлар

Туркия ҳарбий саноати мажмуи раҳбарининг сўзларига қараганда, мамлакат йигирма йил ичида F-35 қирувчиларини сотиб олиш учун 10 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратишни режалаштирган. Айтилган Туркия раҳбарияти ушбу маблағнинг ярми АҚШ лицензияси билан ҳарбий техника ишлаб чиқарадиган турк корхоналарига тўғри келиши кераклигини яширмаяпти. Қирувчи самолётлардан 2012 йилдан қуролли кучларда фойдалана бошлаш кўзда тутилмоқда.

Янги қирувчи самолётни ишлаб чиқаришда Фарбинг ундан ортик давлати (асосан НАТО аъзолари) иштирок этмоқда. 3300 та самолёт ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи ушбу лойиҳага 2001 йилда асос солинган эди. Унинг қиймати - 245 миллиард долларга тенг.

ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

СУДЛАШУВ

Собиқ ҳайдовчи вазирга қарши

ларини талаб қилапти. Бунга жавобан Мудофаа вазирлиги террорчилар устидан махсус трибуналлар ташкил этиш қарорини Жорж Буш АҚШ Куролли Кучлари бош қўмондонидан сифатида конституциявий нормалар асосида қабул қилганини айтмоқда. Шу тариқа Буш маъмурияти номидан Адлия вазирлиги АҚШ Олий судидан ишни қуришдан тўхтатишни сўраяпти.



антанамодоғи лагери маҳбуси. Хамдон бир неча йил мобайнида Усома бин Ло-

диннинг шахсий ҳайдовчиси ва тансоқчиси бўлганини тан олган, аммо террорчиликка бирор-бир алоқаси борлигини мутлақо рад этапти.


АҚШ ҳукумати уни террорчилик ва фуқароларни ўлдиришда айбламодда. Гуантанамодаги ҳарбий трибунал 2004 йил охирида Хамдон ишнини кўриши бошлаши керак эди. Бироқ ҳайдовчининг адвокатлари Рамсфелдга қарши ушбу трибуналларнинг ноқонунийлиги буйича даъво билан чиқиди. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, мазкур суд жараёни ёз ўрталаригача давом этиши керак.

БОКС

Тимур Брокни мағлуб этадимизми?

Ўтган жума куни ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов америкалик Кенни Крейвенни икки раунддаёқ таслим қилди

Кариб икки ҳафта олдин Руслан Чагаевнинг украиналик боксчи Владимир Вирчис устидан қозонган ғалабаси ашаддий ишқибозлар хотирасида худди кеча бўлиб ўтганидек сақланиб қолганлиги аниқ. Шундай экан, океан ортидан олинган навбатдаги хушхабар ҳам уларнинг кўнглини янада кўтаради, десак, муболага бўлмайди.



Кенни Крейвен учинчи раундда рингга чиқа олмаслигини маълум қилиб, жангда мағлуб бўлганини тан олди. Жорий йилнинг 24 июнь куни ўтказилиши кутулаётган навбатдаги жангда юртдошимиз америкалик машҳур боксчи, ўз вазида чемпионликка даъвогар бўлиб турган Келвин Брокка қарши рингга чиқиши режалаштирилган. Эътиборли томони шундаки, йигирмата жангининг ўн иккитасини нокаут билан яқунлаган К.Брок сўнгги учрашувда рақиби Зури Лоуренсга шу даражада кучли зарба берган-ки, на-

тижада Лоуренс кислородли ниқобни таққан ҳолда 4 дақиқадан сўнггина ўзига келган. Шу ўринда Брок ҳам ўтган йили Т.Ибрагимовнинг сўнгги рақиби Кенни Крейвен устидан техник ғалабага эришганини, аммо Тимурдан фарқли равишда бу ютукка тўртинчи раунддагина эришганини айтиб ўтиш лозим. Демак, Ибрагимов бу борада рақибдан кўра яхшироқ натижа кайд эта олган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳамюртимиз Келвин Брокни мағлуб эта олса, умумжаҳон рейтингининг кучли ўнлигидан ўрин олиши муқаррар.

Шухрат ХҲАЕВ

Эслатиб ўтиш жоиз: шу пайтгача профессионал фаолияти давомида мағлубият нималигини билмай келаётган Тимур аслида 24 февраль куни Майк Тайсон назорати остида америкалик боксчи Билли Замбранга қарши жанг ўтказиши керак эди. Бироқ учрашув арафасида юртдошимиз ўзини ёмон ҳис қилгани боис (олинган маълумотларга кўра, Ибрагимовни ошқозонидаги оғриқлар безовта қилган), интиқлик билан қутилган жанг ўтказилмаганди. Тўғри-да,

ФУТБОЛ

Ўзбекистон чемпионатининг 3-туридан сўнг турнир жадвалида пойтахтнинг икки клуби — «Пахтакор» ва «Трактор» пешқадам бўлиб олди. Турнинг 27 март куни ўтказилган сўнгги икки учрашувда Осие Чемпионлар лигасининг икки иштирокчиси — «Пахтакор» ва «Машъал» футболчилари тегишли равишда «Нефтчи» ва «Бухоро» жамоаларига қарши майдонга тушиб, бир хил — 3:0 ҳисобида зафар кучишди.

Пойтахт жамоалари олдинда



Таъкидлаш жоиз: кўпчилик муҳлислар муборакликларнинг сафардаги ғалабасини оддий ҳол, деб қабул қилган бўлсалар, икки азалий рақиб — «Пахтакор» ва «Нефтчи» ўртасида учрашувда йирик ҳисоб кайд этилишини кутмаган эдилар. Наҳора, фарғоналиклар ўзларига билдирилган ишончни оқлай олмадилар.

Шу тариха жадвалнинг дастлабки икки погонаси юз фоизли натижага эришган, яъни 9 очко тўплаган Валерий Непомнящий бошчилигидаги «Пахтакор»чилар ва яқшанба куни меҳмонда «Андижон»ни мағлуб этган Вадим Абрамов кўли остидаги «Трактор»лар томонидан эгалланди. Учунчи ўринда ўз ҳисобига 7 очко ёзишга муваффақ бўлган «Машъал» бормоқда.

Урганчдаги стадионда Наманганнинг «Навбахор-Н» жамоасини қабул қилиб, 0:5 ҳисобида тор-мор этилган «Хоразм» эса ҳали биронта ҳам очко қўлга кирита олмаган ҳолда жадвалнинг энг сўнгги погонасида турибди.

Кизиғи — 1 апрель куни бошланган 4-турда, юқорида айтилганидек, пойтахтнинг ҳали очко йўқотмаган икки жамоаси ўзаро беллашади. Яъни «Трактор» ўз майдонидан амалдаги чемпионни «таҳддан ағдардиш»га уриниб кўради. Шундай экан, мазкур учрашувдан сўнг юз фоизли натижага эга жамоаларнинг сони биттага камаяди, дейиш мумкин.

Қолган жамоалар эса майдонда қуйидаги тартибда учрашадилар:

- 1 апрель
«Тўпалан» — «Андижон», «Шўртан» — «Машъал», «Нефтчи» — «Насаф», «Металлург» — «Қизилқум», «Самарқанд-Д» — «Хоразм», «Навбахор-Н» — «Бухоро»,
- 2 апрель
«Локомотив» — «Сўғдиёна».

O'zLiDeP VA SPORT

«Кушбеги»га марҳамат!

Маълумки, юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол, эпчил ва зийрак қилиб вояга етказиш, уларни соғлом турмуш тарзи анъаналарига мос равишда тарбиялаш масаласи давлат сиёсати айланган бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилаёпти.

Б. КҲЧАРОВ, O'zLiDeP Яққасарой тумани кенгашининг «Ёшлар қаноти» гуруҳи раҳбари

Бунинг учун, аввало, жойларда махсус майдончалар, заллар ва бошқа спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Жорий йилнинг 27 март куни Яққасарой тумани, «Кушбеги» маҳалласи ҳудудига ҳам шундай масканлардан бири фойдаланишга топширилди.

Балғига 3 минг нафардан ортиқ ўғил-қизни сиғдира оладиган замонавий болалар спорт мажмуаси Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани ҳокимликлари ҳамда бошқа саҳоватпеша ҳомийлар ҳисобидан нисбатан қисқа муддат — олти ойда бунёд этилди. Катта байрамга айланиб кетган очилиш маросимида болаларга спорт анжомлари, кийим-кечак ва бошқа турфа хил совғалар топширилди. Жумладан, тadbирда O'zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» гуруҳи фаол иштирок этди. Партиянинг Яққасарой туман кенгаши эса ҳомий сифатида «Кушбеги» маҳалла ёшлари футбол клубига 15 тўплам спорт кийимларини тўхфа қилди.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси тахриркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Мухаммадосиф Муталибжон Тешабоева палари бузруквори МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Парламентарларо муносабатлар қўмитаси раиси Мухаммадосиф Тешабоева отаси МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Мухаммадосиф Тешабоева палари бузруквори МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

КҲЙ. Беғим кўнлари катта лойиҳаларни бир четга суриб қўйиб, майда, аммо тез битадиган ишларга қўл ургангиз маъқул. Шанба ва яқшанба кўнлари бозорга тушиб, кўнлингиз тусаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Бироқ кўрпага қараб, оёқ узатиш кераклиги ёдингиздан чиқмасин.

БУЗОҚ. Душанба куни содир бўлган ажайиб воқеа туфайли кўтарилган кайфиятингиз ҳафта давомида сизни тарк этмайди. Айнан хизматларингиз ва ишлаб чиқарган маҳсулотларингиз рақобат бозорида тенгсиз бўлади.

ЭГЪЗАКЛАР. Иш жойингиздаги муҳитни янгилайсиз. Яқин дўстингизга керакли пайтда ёрдам бериб, мартабангизнинг янада оқишга яхшигина имконият яратасиз. Сешанба ва шанба кўнлари муваффақиятли битимларни имзолашингиз кутилмоқда.

ҚИСКИЧБАҚА. Йўлингизда пайдо бўлган тўсиқларни айланиб ўтишга ҳаракат қилманг. Ундан кўра мазкур сўний деворларни бир тепиб, ағдариб ташланг. Оқибатда ҳам вақтингиз тежаллади, ҳам бошқаларга ўрнат бўласиз. Жума куни хушхабар эшитасиз.

АРСЛОН. Узоқ ўлкага сафарга чиқишингиз, уйга келгандан сўнг эса эътиборли кишилар хонадонда бўладиган тўй-ҳашамларда иштирок этишингиз кутилмоқда. Чорвачилик ва нисбатан кичик майдонда бўлса ҳам деҳқончилик билан шуғулланган «арслон»ларнинг ишлари қўл-қўлига тегмайидан даражада кўпайиб кетади. Шундай бўлса ҳамки, улар режалаштирган барча ишларини муддатда удралайдилар.

ПАРИЗОД. Бу ҳафта гўёки қанот чиқариб, йиртқич қўш кўринишидаги рақибларингизни ярим йўлда қолдиришга муваффақ бўласиз. Сешанба куни қўшимча даромад келтирадиган иш топишингиз, шанба куни эса дўстларингиз ёхуд оилангиз даврасида мириқиб дам олишингиз кутилмоқда.

ТАРОЗИ. Юлдузлар «тарози»ларнинг ўз рақобатчиларига нисбатан кескин чоралар кўрадиган пайт келганини маълум қилмоқда. Илоҳи бўлса, яқин ҳамкорларингиз билан иттифоқ тузинг. Акс ҳолда кучли рақиб қўли остида қолиб кетишингиз мумкин. Дам олиш кўнларини табиат қўнида ўтказинг.

ЧАЁН. Бор эътиборингизни фарзандларингиз тарбиясига қаратинг. Аммо тарбиялаш керак экан деб, хивчин қидириб юрманг. Аксинча, дилбандингизга нима яхшию, нима ёмонлигини ётиги билан тушунтиринг. Пайшанба куни ҳаётингизга хавф солиши мумкин бўлган жойлардан йироқроқда юргангиз маъқул.

ЎҚТАР. Ҳафта сиз учун айрим йўналишлар бўйича омадсиз келиши кутилмоқда. Айтайлик: душанба куни бошлаган арзиманг ишларингиз чўзилиб-чўзилиб, яқшанба куни ҳам чала қолиб кетиши мумкин. Соппа-соғ бўлайин, десангиз, доимо хавфсизлик чораларини кўриб юринг. Муаммоларингизни ошқор қилмасликка интилинг.


ТОҒ ЭҚИСИ. Омадингиз келиб, фарибгарлар чангалидан моҳирона чиқиб кетганингни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Сешанба куни мактаб давридан бери қўришмаган танишингизни учратишингиз кутилмоқда. Шанба куни оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.

ҚОВГА. Кўнлингиз бўшлиғи боис дилингни оғритган танишларингизнинг айбини унутиб, оғирини енгил қилишга уринасиз. Бу айнан сизга хос ҳислатдир. Гарчи яқинларингиз: «Шу ишни қилиб, нима фойда кўрдинг?», деб қойсалар-да, сиз уларга бир кун келиб, ана шу арзиманг яхшилик ботмон-ботмон бўлиб қайтишини тушунтиринг.

БАЛИК. Ҳафта давомида олдинга ташланган бир қадамдан сўнг икки қадам орқага чекинишга мажбур бўласиз. Душанба куни иш жойингизда барча тартиб-қоидаларга риоя қилганингиз маъқул. Акс ҳолда танбеҳ эшитиб қоласиз. Чоршанба куни рўй берадиган янгилик яқин келажагингизни белгилаши кутилмоқда.

ЯНГИЛИК

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Тоҳир МАЛИК
ҚОРА ФАРИШТА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Тоҳир МАЛИКнинг янги асари —
«ҚОРА ФАРИШТА»
босмадан чиқди.

Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун телефонлар:
132-14-47, 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНИНГиз КАЛИТДИРИ!

Республика Қўчас мунд биржаси ва «Tashkent Securities» ағозини — биринчи бизнес ташкилотингиз!
Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кўнлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кўнлари ташкил этилади.
Мажлиси: Тошкент шаҳри, Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-Абду
Телефонлар: 399-80-26, 136-13-28, 399-80-23. Факс: 136-26-26. www.tshmb.uz

Моя мечта
TOSHKENT YOG-MOLKOMBINAT O'AJ QK
MAHSULOT SERTIFIKATLANOAN

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси 16а-йў. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmb.uz; E-mail: info@tshmb.uz; Birja@mail.tps.uz

MULKDORGA HANKOR

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадосиф ТЕШАБОВЕ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
- Аҳхам ШАДМАНОВ
- Ақром АЛИМОВ
- Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
- Мухаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ
- Аъзамжон РАҲМАНОВ
- Абдувахоб ИМОМАЛИЕВ
- Бахтиёр ЁҚУБОВ
- Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
- Илхом НАСРИЕВ
- Мансур ЗОКИРОВ
- Мухлиса АҚРАМОВА
- Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
- Равшан ОХУНОВ
- Раҳматилло КАМОЛОВ
- Сирождин САЙИД
- Шухрат НОРГИТОВ
- Шухрат ОРИПОВ
- Қиёмиддин НАЗАРОВ
- Қобилжон ТОШМАТОВ
- Туланбой КАРИМОВ
- Эркин ТОШЕВ

ТАХРИРИЯТ

- Абдували СОИБНАЗАРОВ
- Маркс ЮСУПОВ
- Зумрад АБРОРОВА
- Носир ТОШЕВ
- Ориф ЎЛМАСОВ
- Тоҳир МАЛИК
- Тоҳир АБДУРАҲМОНОВ
- Тоҳир МИРҲОДИЕВ
- Улугбек ЮСУПОВ
- Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА
- Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
- Шаҳзод НАЗАРОВ
- Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТИ ТЕРУВЧИЛАР

- Нигора ЖҲРАЕВА
- Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
- ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
- АҲБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
- МАЎНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САЊАТ 55-68-50
- ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
М. АБДУРАҲМОНОВ,
Ш. РАҲИМОВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаконасида чоп этилди.
Корхона маҳали: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-567
Тираж: 17268

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйбатдан ўтган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нур» кўчаси, 73-йўй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com XXI_ASR@doda.uz

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилмиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.



БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

«ASR»
EKSPRESS-MEDIA

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.



РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел: (998-71) 151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

ФАЛАБА

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

РЕКЛАМАЛАР